VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

7 (16) 2009 йил 18 февраль, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси e-mail: milliyt@sarkor.uz

Гўзалликка интилиш

Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим ҳаётий омил - бу таълим-тарбия тизимидир.

➔ 6-бет



Экология ва трансчегаравий сувлар

Ўзбекистоннинг нуқтаи назари аниқ – трансчегаравий дарёлар ҳавзаларидаги ҳар қандай кенг кўламли қурилиш халқаро экспертизадан ўтган ва ўзаро келишилган бўлиши керак.

➔ 7-бет

Оқ теракми кўк терак, бизга болалар ўйинлари керак

Азалдан халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари кишилар саломатлигини мустаҳкамлашда, болалар қобилиятини ривожлантиришда беназир восита бўлиб келган.

➔ 8-бет

МТ БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ 2-бет
Юрт тараққиётига дахлдор
Қуйи бўғинлар
ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА 3-бет
"Баркамол ёшлар – обод ватан келажаги"
Партия нуфузини ошириш
ЖАРАЁН 4-бет
Қадриятлари қадрланган юрт
Хотиржам бўлай десангиз
ИҚТИСОДИЁТ 5-бет
Акциядорлик жамиятлари
Бойсунлик йўлсозлар
Қишлоқда япон сафораси
Тадбиркорлар манфаати — ҳимояда
МАЪНАВИЯТ 6-бет
Музей янада кенгаяди
ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН 7-бет
Такрорланмас ва ўзгача маданият
Дунёдан дараклар
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ 8-бет
«Ажойиб мусобақа» — янги асар
Оммавий югуриш мусобақаси
Турфа олам

НИГОҲ

Иқтисодиётимиз янада кучли ва барқарор бўлади

энг муҳими, жаҳон миқёсида юзага келган бугунги вазият Ўзбекистон танлаган йўл тўғри эканлигини яна бир карра исботлади

Ҳозир қайси газетани олиб қараманг, ТВ ёки радиога қулоқ тутманг, интернет сайтларини кузатманг, жаҳон миқёсида кечаётган ва кун сайин чуқурлашиб, кўплаб мамлакатларни ўз домига тортаётган молиявий ва иқтисодий инқироз ҳақидаги хабарлар оқимига дуч келаяпмиз.

Жорий йилнинг 13 февралида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг маърузасини эшитган ва ўқиган ҳар бир киши юзага келган бугунги вазият ва шароитда Ўзбекистон танлаган йўл тўғри бўлганлигига яна бир карра амин бўлади.

Мамлакатимиз аввал бошданоқ мўлжални тўғри олган, мақсад ва манзил аниқ белгиланган. Бўлар, албатта ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Президентимиз ушбу мажлисда таъкидлаганидек, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки давридаёқ тўғри йўл танланган, давлат бош ислоҳоти ва барча соҳадаги ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилиб келинган, инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга ҳам 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ киришилган эди. Ана шундай тўғри танланган йўл, ўз вақтида ва пухта ўйланган чора-тадбирлар ва мамлакат халқининг сидқидилдан қилган меҳнати сабабли бугунги кунда бутун дунё аюҳаннос солаётган молиявий ва иқтисодий инқирозга қарамай, 2008 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор фаолият кўрсатибгина қолмай, ўсиш ва юксалишга ҳам эришди.

(Давоми 4-бетда)

ЖАРАЁН

Дахлдорлик ҳисси ислоҳотларга қанот бағишлайди

Абдуғафур МАМАТОВ,
филология фанлари доктори,
ЎзМТДП МК аъзоси

Муҳтарам Президентимизнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" номли асарининг нашр этилиши мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида катта воқеа бўлиши билан бир қаторда, улкан тарихий-маданий меросимиз, бугунги маънавий ҳаётимизни теран таҳлил қилган ва ўқувчиларни зарур хулосалар чиқаришга ундайдиган асар сифатида қалбимиздан жой олди.

Ўзбекистон нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлиги айни ҳақиқат эканлигини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган ва сайқал топган. Улар ўзларининг ақлий салоҳияти, доно фикрлари, ақл-идроки билан жаҳон тараққиётига муносиб ҳисса қўшганлар.

Муҳаммад Мусо Хоразмий саноқ тизимини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини илм-фан соҳасига илк бор жорий этиб, аниқ фанлар ривожига буюк ҳисса қўшди. Аҳмад Фарғоний фалакшуносликнинг ва фундаментал фан асосчиларидан бири сифатида эътироф этилди. Абу Райҳон Беруний аниқ фанлар ривожига қўшган ҳиссаси билан қомусий тафаккур соҳиби дея тан олинди. Ноёб фазилатлар соҳиби Ибн Сино тиб илмларининг отахони сифатида "Луқмони ҳаким" дея эътироф этилди. Илмий салоҳияти билан ислом дунёсини лол қолдирган теран билим эгаси Маҳмуд Замахшарий бобомиз, давлатчилик, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига улкан ҳисса қўшган, мардлик, шижоат ва донишмандлик рамзи бўлган буюк Соҳибқирон Амир Темур, илм-фан ва маданиятнинг тараққий топишига улкан улуш қўшган давлат арбоби, буюк фалакшунос Мирзо Улуғбек, улкан сўз санъаткори **"авлиё десак, авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони"** Алишер Навоий, миллатни мустамлакадан озод этиш ғоясини кўтариб чиққан жадид боболаримиз, илмий-ижодий меросимизни юқорига кўтарган кейинги авлод вакилларимиз билан фахрланишга ва уларнинг буюк кашфиётларидан кўнгилларимиз ғурурга тўлишига тўла ҳақлимиз.

Асарда таъкидланганидек, **"айни пайтда, биз бир ҳақиқатни ҳам яхши англаймизки, фақат ўтмишга, аждодлар меросига маҳлиё бўлиб юришнинг ўзи билан узоққа бориб бўлмайди".** Шу маънода мустақиллик йилларида таълим-тарбия ва фан соҳасида амалга оширилган амалий ишларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Давлатимиз раҳбари **"Таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни, халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди"** деб таъкидлайди. Шу боис **"...бу соҳада юзаки, расмий ёндашувларга, пухта ўйланмаган ишларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Мактаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши Асосий қонунимизда белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, бу кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб-қувватлашини талаб қиладиган умуммиллий масаладир"** деб урғу беради.

(Давоми 6-бетда)

МУЛОҚОТ

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда

Қуролли Кучларимизнинг ўрни беқиёс

"Milliy tiklanish" мухбири
Гулбаҳор УМУРЗОҚОВА
суҳбатлашди

Мамлакатимизда ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш давлат аҳамиятига молик вазифага айланган. Бу борада истиқлол йилларида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ватанимизнинг осойишталиги ва хавфсизлиги, чегараларимизнинг дахлсизлиги, халқимизнинг тинч турмушини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчига айланди.

Бу юксак туйғу фарзандларимиз қалбига ҳам сингиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаатида "... Аҳолимиз, биринчи навбатда ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксак даражага кўтарилди, армияда хизмат қилиш том маънода шон-шараф ишига айланди", деб алоҳида таъкидланган эди. Шу ўринда соҳанинг яна бир муҳим жиҳатини эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мудофаа ва хавфсизлик тизимининг ҳуқуқий асослари яратилди. Бир қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Қуйида юқоридаги масалалар юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамда ЎзМТДП фракцияси аъзолари Умид Исмоилов ҳамда Игорь Кореневга бир нечта савол билан мурожаат қилдик.

— Ёшларни Ватанга садоқат ва ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий армиямизнинг ўрни ва ролини қандай тасаввур қиласиз?

У.И: — Ҳар бир жамиятнинг тараққиёти ва ривожланиши, дунёга танилишида келажак авлодни тарбиялашга бўлган эътибор муҳим ўрин тутади. Зеро, жамият, давлат ва миллатнинг келажаги ёшларга бериладиган тарбияга боғлиқ.

(Давоми 2-бетда)

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

МУЛОҚОТ

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда

Қуролли Кучларимизнинг ўрни беқиёс

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шуни эътиборга олган ҳолда, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшлар тарбиясининг мазмун ва моҳияти, усул ва шаклларида жиддий ўзгаришлар қилинди. Таълим-тарбия тизимида миллий қадриятлар устувор бўлди. Ёшларда миллий ғурурни шакллантириш ва мустаҳкамлашга эътибор кучайди.

Шуни таъкидлаш керакки, ёшларни маънавий баркамол, жисмонан етук, ўз Ватанининг тинчлиги ва осойишталиги ҳамда халқининг фаровон ҳаёт кечириши учун меҳнат қиладиган фидойи инсонлар бўлиб етишишида ҳарбий хизматнинг алоҳида ўрни бор. Президентимиз бу борада "Бизнинг армиямиз ҳозирги мураккаб шароитда Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилибгина қолмай, айни пайтда у ёшларимиз учун ватанпарварлик, юртга садоқат билан хизмат қилиш мактаби, ҳар бир ҳарбий хизматчи қалбида — у офицер, сержант ёки оддий аскар бўладими-бундан қатъи назар, мустаҳкам ирода, юксак инсоний фазилатларни тарбиялаш, уларнинг ақлий ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, амалий касб кўникмаларини такомиллаштириш ва жисмоний тобланиш мактаби бўлсин", деб алоҳида таъкидлаган эдилар.

—Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш юзасидан бир қатор салмоқли ҳуқуқий-ташкилий ишлар амалга оширилди. Шулар хусусида мухтасар тўхталиб ўтсангиз.

У.И: — Давлатимиз мустақилликка эришгандан бошлаб мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларни қайта ташкил қилиш ва ислоҳ этишга жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ҳақида гапирар эканмиз дастлаб хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий асоси ҳарбий ҳуқуқнинг энг муҳим манбаси бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топди (125-, 126-, 52-, 57-, 93-моддалар). Кейинчалик Конституцияга асосан Ўзбекистон Республикасининг "Мудофаа тўғрисида"ги, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги, "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги, "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида"ги ва бошқа Қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Фармонлари ва ҳукумат қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси (мазкур Концепция асосида Мудофаа доктринаси) ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бунинг асосида миллий армиямизни ислоҳ қилишдек муҳим ва долзарб вазифа кўзланган бўлиб, асосий мақсад армиямизнинг мудофаа қобилиятини ошириш, мамлакатимиздаги бугунги шарт-шароитларга жавоб берадиган ҳамда мустақил тараққиётимизни таъминлаш борасидаги вазифаларни бажаришга қодир бўлган Қуролли Кучларни барпо этишдан иборат эди. Бу вазифани бажариш билан Қуролли Кучларни ташкил этишнинг янги модели яратилди ва жорий этилди. Армиямиз энг замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника, моддий-техника воситалари билан жиҳозланди. Ҳарбий қисмларнинг тузилмаси такомиллаштирилди, ҳарбий округлар ташкил этилди, мураккаб вазиятларда тезкор ҳаракат қиладиган махсус бўлинмалар тузилди.

Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ҳамда ҳудудий яхлитлигини қуролли ҳимоя қилиш бўйича қарорларни ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи ягона қўмондонлик органи-Қуролли Кучларнинг Бирлашган штаби ташкил этилди.

Ислоҳотлар бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда. Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта (февраль-март ойларида) чақиришнинг жорий қилиниши муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини такомиллаштириш, Қуролли Кучлар сафидаги ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини янада ошириш борасида олиб борилаётган ишларнинг узлуксиз мантиқий давоми бўлиб, ҳарбий хизматнинг обрў эътиборини янада орттирди. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини, қўшинларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги ҳамда сафарбарлик жиҳатидан тайёрлигини мустаҳкамлаш учун катта имконият яратилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонунининг 18- ва 19-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонунининг 18-моддасига "Фуқароларни чақирув участкаларида қайд этиш улар 16 ёшга тўлган йили апрель-июнь ойларида амалга оширилади" деб ва 19-моддасига эса "Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорига асосан йилига бир марта февраль-март ойларида ўтказилади" деб ўзгартишлар киритилди.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши билан муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ўқув-жанговар тайёргарлиги тизимида уларнинг хизматини сифатли ўташига ва ҳарбий мутахассисликка ўқитиш бўйича замонавий мураккаб дастурларни тўлиқ ўзлаштириб олишларига катта имконият яратилди. Шунингдек, ўсмирларни чақирув участкаларида қайд этиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақиришни бир вақтни ўзида амалга ошириш натижасида юзага келаётган жуда кўп қийинчилик ва муаммоларга барҳам берилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасига 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига кўра қонунчилик ҳуқуқи субъектлари томонидан Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳаларидан мамлакатнинг мудофаа ва хавфсизлик тизимини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилган 15 та қонун лойиҳаси келиб тушди. Ана шу қонун лойиҳаларидан 14 таси Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида қабул қилинди, 13 таси Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди.

— Президентимиз таъбири билан айтганда армиямизнинг қудрати — аввало, унинг халқимиз ҳаёти билан чамбарчас боғланган мустаҳкам ришталарида, узвий алоқасида намоён бўлади. Айтингчи, қўмита томонидан она - Ватанимизнинг хавфсизлиги, юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминлаш, миллий армиямизда хизмат қилишни ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчига айлантириш мақсадида қандай тадбир ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда?

И.К: — Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан шунингдек, ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси билан ҳамкорликда жойларда 100 дан зиёд тадбирлар ўтказилди. Ўтказилган тадбирларда асосий эътибор мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларни кенг жамоатчиликка етказиш, ёшларга берилаётган эътибор, уларга яратилаётган шарт-шароитлар ёшлар қалбида миллий ғурур ва ҳарбий ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш борасидаги Ўзбекистоннинг ташаббуслари, глобаллашув жараёнида ахборот хуружи ва унинг салбий оқибатлари, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш сингари масалаларга урғу берилди.

Аҳоли кенг қатламлари ва ёшлар ўртасида "Миллий тикланиш"-миллий ғурур, миллий ифтихор демакдир," "Конституция-демократия ва ижтимоий адолат кафолати", "Инсон манфаатлари-олий қадрият", "Сайловлар кўпчиликнинг хоҳиш-иродаси", "Кишилар онгида демократик қадриятларни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари устуворлигига эришиш", "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар - мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашнинг бош омили", "Жаҳон миқёсида глобаллашув жараёни ва миллий хавфсизликни таъминлаш муаммолари", "Мустақил тараққиётнинг "Ўзбек модели"- янги жамият қуриш кафолати", "Кибертерроризм"-терроризмнинг замонавий шаклларидан бири" каби мавзуларда жонли мулоқотлар, давра суҳбатлари ташкил қилинди.

— Армия ёшларни маънавий, жисмоний жиҳатдан баркамол инсон қилиб вояга етказадиган ҳаёт мактабига айланмоқда. Ёшлар ўртасида ҳарбий хизматга интилиш кучайганлигининг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?

И.К: — Фарзандларимиз армия сафида малакали ҳарбий мутахассис бўлиш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниққан, Ватанни ҳимоя қилишни муқаддас бурч деб биладиган ва бунинг учун доимо шай турадиган фидойи инсонлар бўлиб камол топмоқда. Шу боис аҳоли ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори ва унга бўлган интилиш ўсиб бормоқда. Қуролли Кучлар сафларида хизмат қилиш, ҳақиқий орзу қилишга сазовор касбга айланиб улгурди. Мамлакатимизда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларнинг профессионал тайёргарлигини янада ошириш, маънавий-ахлоқий ва интеллектуал салоҳияти юқори, жисмонан етук ҳарбийларни тарбиялаш устувор вазифалардан бири этиб белгиланди.

— Бу борада ҳарбий хизматчиларга берилаётган эътибор ва яратилаётган имтиёзлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шундай эмасми?

У.И: — Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг моддий, ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш борасида сўнгги йилларда муддатли ҳарбий хизматчилар, сержант ва офицерлар таркибининг молиявий таъминот миқдорини икки баравар кўпайтириш, улар заҳирага бўшатилганда бериладиган нафақа миқдорининг энг кам иш ҳақининг ўн олти баравригача ошириш, армиянинг мардлик ва матонат мактабини ўтаган ҳамда жанговар ва ижтимоий тайёргарлик бўйича аъло натижаларга эришган ҳарбий хизматчиларга олий ўқув юртларига имтиёзли киришдек қатор имкониятлар яратиб берилди. Олий ўқув юртларига кирувчилар учун берилган имтиёз, яъни 25 фоизлик балл қўшилиши ва унинг амал қилиш муддати уч йил қилиб белгиланиши яна ҳам эътиборлидир.

Айниқса, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий соҳадаги билим олишларини такомиллаштириш мақсадида ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, компьютер технологияларидан, моделлаштириш, чалғитиш услубларидан ва бошқа замонавий таълим шаклларидан фойдаланиладиган, ҳарбий хизматчиларни тайёрлашнинг мутлақо янги шакллари ҳисобланадиган сержантлар мактаблари ва тайёрлов марказлари жорий этилди.

Ўзбекистоннинг олий ҳарбий билим юртларида кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилди. Тошкент умумқўшин, Чирчиқ танк ва Самарқанд автомобиль олий ҳарбий қўмондонлик билим юртлари кўп тармоқли таълим масканларига айлантирилди. Жиззах олий ҳарбий билим юрти ташкил этилди. Тошкент Ахборот технологиялари университетида алоқачи-офицерлар тайёрлайдиган махсус факультет очилди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида мураккаб ва жанговар вазифаларни шараф билан уддалаган, касбий маҳоратни, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига содиқлигини намоён этган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини ва миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини ошириш ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ишидаги хизматларини тақдирлаш мақсадида "Содиқ хизматлари учун" медалини таъсис этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

"Содиқ хизматлари учун" медалининг таъсис этилиши жамиятимизда Қуролли Кучлар ҳамда ҳуқуқ-тартибот органларидаги хизматнинг нуфузини оширишга, ёшларнинг ўз халқига, Юртбошисига ва она Ватанига содиқлик ҳиссини чуқурроқ англашига хизмат қилади. Бу эса Қуролли Кучларимизнинг қудратини янада оширишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

ДЕПУТАТЛАР ГУРУҲИ

Азал-азалдан юрт тараққиёти халқ турмушининг фаровонлиги билан ўлчанади. Бугун чекка-чекка қишлоқларга табиий газ, электр энергия, тоза ичимлик суви етиб борганини ҳисобга олсак турмушимиз кундан кун яхши томонга ўзгараётганини сезиш қийин эмас. Давлатимиз одамларни тоза ичимлик суви, табиий газ ва бошқа неъматлардан фойдаланиши учун бор маблағ ва имкониятларини ишга солаяпти.

Юрт тараққиётига дахлдор

масалалар сессия кун тартибидан ўрин олди

Ж.ҚАҲҲОРОВ,
ЎзМТДП Наманган шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати

Тўғри, қиш мавсумида айрим тармоқларда узилишлар содир бўлаяпти. Аммо, бунда истеъмолчилар ҳам қайсидир маънода айбдор эмасми? Ахир коммунал тўловлари вақтида ҳисобкитоб қилинса, бу борада ҳеч қандай муаммо бўлмайди. Халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ҳам шу ҳақда гап борди. Қарздорликни камайтириш бўйича таклиф-мулоҳазалар билдирилиб, мутасадди идораларга вазифалар юкланди. Наманган шаҳар ҳокимлигида ҳам шу масалага бағишланган йиғилиш ўтказилди. Ҳозир маҳаллаларда махсус гуруҳ тарғибот ишларини олиб бораяпти.

Бундай олиб қараганда, агар электр ўчса ёки табиий газ босими салгина пасайиб қолса мутасадди ташкилотларга ўша заҳоти эътироз билдирамиз. Гўёки бунга улар айбдордек. Аслида маҳалла, қўни-қўшни фойдаланиладиган табиий неъматлардан қарздор экан, бу йиғилиб-йиғилиб, бутун шаҳар ёки қишлоққа ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди, албатта.

Шунинг учун қишнинг беталофат, қийинчиликларсиз ўтишига ўзимиз замин яратайлик. Баъзида ўзига тўқ, эшигида қатор автомобиллари, мол-қўйлари бўла туриб коммунал хизмат ҳақини тўлашдан бўйин товлаётганлар ҳам учраб туради. Аммо бундан нафақат ўзимизга, балки иқтисодиётимизга ҳам зарар етказаётганлигимизни чуқурроқ ўйлаб кўрмаймиз. Пири бадавлат отахону онахонларимиз қарздорликдан ҳамиша ор қилишган. Кузатадиган бўлсак, улар пенсия олишлари билан маълум қисмини коммунал тўловларга ажратишади. Чунки кексаларимиз қийинчилик замонларни ўз кўзлари билан кўрганлиги боис, бугуннинг қадрига етиб яшайдилар. Биз ҳам осуда, фаровон ҳаёт, унинг беминнат неъматларининг қадрини ўз вақтида билайлик.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

Қуйи бўғинлар

улар партия фаолиятини ҳаракатлантирувчи кучга айланиши керак

Дилноза ҲАЙИТОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш, кишиларда янгича онг ва дунёқарашни шакллантириш нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, хусусан сиёсий партиялар зиммасига катта масъулият юкламоқда.

Мазкур жараёнларда эса сиёсий партияларнинг ҳар бир бўғини фаоллигини кучайтириш муҳимлиги ва улар ичида жамоатчиликка энг яқин бўлган бошланғич ташкилотлар нуфузини ошириш зарурлигини англаймиз. Боиси, қуйи бўғинлар ана шу мураккаб жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи саналиб, ҳар бир сиёсий партия каби ЎзМТДПнинг ҳам жойлардаги асосий таянчи ҳисобланади. Уларнинг масъулияти ва етакчилик салоҳиятини оширмай туриб эса, кўзланган мақсадларимизга эришиб бўлмайди. Бу оддий ҳақиқат бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштиришни, уларнинг омма орасида нуфузини кучайтиришни тақозо этади. БПТлар ўз номи билан партия туман кенгашларидан тортиб халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятигача бўлган жараёнларнинг жон томирини, ўзагини ташкил этади. Бугун партиямиз асосий эътиборини мана шу қуйи бўғинлар фаолиятини ривожлантириш орқали аниқ натижаларга эришишга қаратар экан, жойлардаги бўғинлар бу талабларга қай даражада жавоб беряпти? Ўзларига билдирилган ишончни оқлаяптими?

— Бошланғич ташкилотлар партиянинг бош таянчи деган ибора бор. Улар ўз номи, кучи ва салоҳияти жиҳатидан мана шу мақомга эга. Унинг сафи маҳалла, қишлоқ, корхона, мактаб жамоаларида шакланади. Бу эса партиявий дастуримиз ва мақсадларимизнинг чеккачекка ҳудудларгача кириб боришига, аҳолининг барча қатламларини қамраб олишига олиб келади. Ҳар бир сиёсий партия етук сиёсий кадрлар ва барқарор бошланғич ташкилотларга эга бўлсагина сайловчилар ва электорат ишончини қозониб, ўз олдига қўйган мақсадларига эришади. Бу эса БПТ етакчиси сифатида менга, шу билан бирга бошқа партиядошларим зиммасига ҳам катта масъулият юклайди,- дейди биз билан суҳбатда Хоразм вилояти, Қўшкўпир тумани, Хонобод қишлоғидаги 17-мактаб директори, Халқ депутатлари туман кенгаши депутати Ойбек Абдуллаев. — Ишимиз бевосита партиявий фаолиятимиз билан уйғун. Сабаби, таълим-тарбия тизимини янада ривожлантириш, уни бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этиш партиямизнинг ижтимоий соҳадаги муҳим вазифаларидан биридир.

Бошланғич партия ташкилоти фаолиятини кузатар эканмиз, партия ғоялари тарғиб ва ташвиқи, дастурий мақсадларни бажаришда бир қатор ютуқларга эришилмоқда. Айрим камчиликларни ҳисобга олмаганда, айтиш керакки, бугун партия ишини юритиш бўйича жамоада салмоқли тажриба тўпланган. Мактабда 33 нафар аъзо бўлиб, улар асосан олий маълумотли ўқитувчилар. Барно Абдуллаева, Мақсуд Қурёзов, Шаҳло Абдуллаева, Ҳамидбек Машариповлар ташкилотнинг фаол, ташаббускор аъзоларидир. Улар томонидан "Қонунлар таянчимиз", "Бу Ватан менингдир", "Менинг Конституциям", "Биз мустақиллик фарзандларимиз" мавзуларида туман кенгаши, қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан биргаликда тадбирлар ўтказилди. Яқинда мактабда тумандаги 5 та мактабнинг спорт жамоалари иштирокида ўтказилган "Келажак бизники, марра бизники" шиори остидаги волейбол, баскетбол, стол тенниси, қўл жанги бўйича спорт мусобақалари ёш авлоднинг жисмонан соғлом улғайишлари учун яна бир қадам бўлди. Бошланғич партия ташкилоти томонидан мактабда "Гимнастикачи қизлар" клуби ташкил қилинган бўлиб, унга партия аъзоси Клара Бектурдиева мураббийлик қилади. Клуб аъзолари туман, вилоят, республика миқёсидаги турли мусобақаларда қатнашиб келмоқдалар. Жумладан, Севинч Машарипова 2006 йилда Германиянинг Кельн шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусобақада совринли ўринни қўлга киритди. Мактабда БПТ томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлардан бири 2007 йилда "Миллий тикланиш" стипендияси жорий қилинганлигидир. Шундан бери стипендия аъло баҳоларга ўқиётган, иқтидорли ўқувчиларга йилда 4 маротаба бериб келинмоқда.

Ушбу ташкилотнинг яна бир ютуғи шундаки, бевосита БПТ етакчиси саъй-ҳаракати билан тумандаги бешта мактабда ЎзМТДП бошланғич ташкилотлари тузилган ва уларнинг ҳар бирида ҳозирда 20 нафардан зиёд аъзолар бирлашган ҳолда иш олиб бормоқдалар. Бу эса партия Уставига мувофиқ кенгаш тузиш имконини беради.

— "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури бутун моҳияти билан нафақат қишлоқларнинг, шу орқали бутун мамлакатимиз ободлиги, фаровонлигини таъминловчи масалаларни қамраб олган. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ қишлоқларда турмуш даражасини ошириш, қишлоқ аҳолиси ҳаётини яхшилаш устувор вазифа қилиб белгиланган ҳам бежиз эмас. Партия Дастуридаги "Қишлоқ ва шаҳарларнинг ижтимоий-маиший шарт-шароитларини яқинлаштириш жараёнини тезлаштириш, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш" каби вазифалар бу жараёнлар билан уйғун ва муштарак. Бунда нафақат яшаш шароити, шу билан бирга қишлоқ аҳолисининг сиёсий, ҳуқуқий онгини юксалтиришга ҳам катта аҳамият беришимиз керак. Бу эса биз партия фаоллари зиммасига фуқароларнинг сиёсий фаоллигини юксалтиришдек, уларни жамиятдаги ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этишга даъват қилишдек вазифани юклайди. Партиямизнинг халқ орасидаги нуфузини бизнинг қилаётган амалий ишларимиз кўрсатиб беради. Қишлоқнинг қиёфасини бутунлай ўзгартирадиган яна бир муҳим йўналиш - бу Кадрлар тайёрлаш ва Мактаб таълимини ривожлантириш дастурлари ижросининг жойларда тўлиқ таъминланишига эришишдир,- дейди Ойбек Абдуллаев.

Қандай ишлар фаолиятимизнинг янада яхшиланишига хизмат қилади, деган саволимизга БПТетакчиси қуйидагича жавоб берди. — Ҳар бир етакчи энг аввало "аъзоларим сонини кўпайтирсам, иш режамни бажарсам бўлди", деган ўйлардан йироқ бўлиши керак. БПТ фаолиятини тубдан ўзгартириш, уни оммалаштириш бўйича янги-янги йўналишларни топиш ва жорий қилиш учун етакчилар ҳар доим баҳамжиҳат ва ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориши керак деб ўйлайман. Сайловлар жараёни яқинлашмоқда. Бу бизни янада уюшқоқлик билан ҳаракат қилишга ундайди.

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари

“Баркамол ёшлар – обод Ватан келажаги”

шиори остида бўлиб ўтган минтақавий анъанавий форум Зарафшон воҳаси ёшлари қалбида унутилмас таассурот қолдирди



Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан “Баркамол ёшлар – обод Ватан келажаги” шиори остида ўтказилаётган минтақавий форум партия ҳудудий кенгашлари билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳуқуқий, сиёсий саводхонлигини ошириш, уларни касбга йўналтириш, турли салбий оқимлар таъсирига тушиб қолишдан асраш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилмоқда.

Ушбу форумнинг навбатдагиси Самарқандда бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси, партия Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятлари, туман ва шаҳар кенгашлари аъзолари, ушбу вилоятларнинг фаол ёшлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлари, ФЖЎИ ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Форум қатнашчилари дастлаб самарқандлик ёш ҳунармандлар, рассомларнинг бадиий асарлари намойишини томоша қилдилар. Ёш ижодкорлар яратган ажойиб рангтасвир асарлари, ҳайкалчалар, тоштовоқлар, кулолчилик ўйинчоқлари, кўза, гулдон ва бошқа буюмлар бежиримлиги ва нафислиги билан иштирокчиларни ҳайратга солди. Бу қадимий ва миллий меросимиз ёшлар қўлида янгича жило топаётганлигидан кўнгиллар беихтиёр ғурурга тўлди. Бугун келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг эртаси ҳақида сўз борганда Ватанга садоқатли, миллатпарвар, бой қадрият, урф-одат, анъаналаримизни эъзозлайдиган, ўрганадиган, ҳурмат қиладиган, маънан етук йигит-қизларимизни тасаввур этамиз. Инчунун, муҳтарам Президентимиз раҳбарлигида ёш авлод тарбияси, келажаги, камолоти йўлида қилинаётган саъй-ҳаракат, ташаббус, амалий ишлар ҳам, унинг бераётган ижобий самаралари ҳам кўнглимизни ишончга тщлдиради.

Кўргазмадан сўнг Давлатимиз мадҳияси янграб, форум очилди. Сўзга чиққан ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Абдуқаюм Каримов тадбирнинг мақсад ва вазифаларини қўйидагича изоҳлади:

— Баркамол ёшларни тарбиялаш, вояга етказиш ЎзМТДПнинг дастурий мақсадларидир. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. Бу борада партия вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” ёш сиёсатчилар, лидер қизлар каби йўналишларда фаол ва аниқ режалар асосида иш олиб бормоқда. Мамлакатимизда эришилган улкан ютуқларда ёшларимизнинг ўз ўрни бор. Айниқса, ўтган йилнинг “Ёшлар йили” деб эълон қилинганлиги йигит-қизларнинг барча соҳалардаги фаоллигини оширди. Бугунги форумдан ҳам қўшни Бухоро, Навоий вилоятларининг фаол ташаббускор ёшларини бир жойга жамлаб уларнинг илм-фан, санъат, спорт, ҳунармандчилик, тадбиркорлик борасидаги интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бу борада ҳамкорликни йўлга қўйиш каби эзгу мақсадлар кўзланган.

Тадбирда парламентда ёшлар масаласига доир қонунларнинг яратилиши ва қабул қилиниши ҳамда партиянинг ёшлар сиёсати борасида батафсил сўз юритилди.

- Қонунларимизда белгилаб қўйилган тамойилларни, уларнинг мазмун-моҳиятининг нафақат тушунтириш, тарғибот қилиш, балки ҳаётга кенг татбиқ этиш муҳим омиллар ҳисбланади,- деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Арслон Эшмуродов. – Бугунги форум ёшларнинг минтақавий анжумани ана шу вазифаларимизни амалга оширишда ёшларнинг мулоҳазалари ва таклифларини ўрганиш учун қулай имконият яратди.

Иштирокчи ёшлар партиямиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар, ҳуқуқ-тартибот идораларининг масъул ходимлари билан жонли мулоқот, савол-жавоб қилиш орқали мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида юз бераётган асрларга татигулик ўзгаришларнинг асл мазмун-моҳияти билан яқиндан танишдилар. Ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

— Ёшлар билан бу галги учрашувимиз жуда жонли, қизиқарли кечмоқда. Саройни тўлдириб ўтирган минг нафарга яқин йигит-қизларнинг қалбида ватанпарварлик туйғуси жўш уриб турганлигини ҳис этиш қийин эмас,- деди сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Улуғбек Жалменов. — Айниқса, ёшларимизнинг парламентда ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг қабул қилиниш жараёнига бўлган қизиқиши бизни қувонтирди.



Шунингдек, анжуманда вилоят “Камолот” ЁИҲ кенгаши раиси А.Пардаев, адлия бошқармаси ҳуқуқий тарғибот бўлими маслаҳатчиси Р.Давронов, шаҳар прокуроринг катта ёрдамчиси Г.Бурҳонова, СамДУ тарих-фалсафа факультетининг 3-босқич талабаси М.Мустафаева сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Нотиқлар айни чоғда ёшларимиз жамоат ишларида, илм-фан, санъат, спорт ва кўплаб соҳаларда фаоллик кўрсатаётганлиги ҳақида гапирдилар.

Форумда Республикада хизмат кўрсатган артист Э.Қайтаров, Республика миқёсидаги танловлар ғолиблари С.Турсунов, М.Наимов, З.Рашидоваларнинг Ватан, ёшлик, муҳаббат ҳақидаги қўшиқлари иштирокчиларга манзур бўлди. “Суғдиёна” раққоса қизлар гуруҳи, Булунғур тумани “Чавқи” фольклор-этнографик халқ ансамблининг анъаналаримиз, удумларимиз, урф-одатларимизни акс эттирувчи дастурлашган чиқишлари ёшларда катта таассурот қолдирди. Форум қатнашчилари, баҳс-мунозараларни бир пиёла чой устида давом эттирдилар.

Шундан сўнг, бухоролик, навоийлик ёшлар кўҳна шаҳардаги тарихий ёдгорликларни томоша қилишди. Анжуманда туман, шаҳар кенгашлари бошланғич партия ташкилотларининг раисларига рағбатлантирувчи мукофотлар ва бир гуруҳ ёшларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ХРОНИКАСИ

Тадбирлар

ёшлар тарбиясига оид муҳим масалаларни қамраб олди

Тўмарис АЪЗАМ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Ота-боболаримиз халқимиз маънавий дунёсининг шаклланишига ўзларининг беқиёс ҳиссаларини қўшганлар ва бизга битмас-туганмас маънавий мерос қолдиришган. Ана шундай улуғ зотлардан бири Алишер Навоий барча туркий халқлар адабиётига салмоқли таъсир кўрсатган бўлиб, унинг жаҳон адабиёти ва маданияти ривожида ҳам катта ўрни бор.

ЎзМТДП Самарқанд вилоят ва шаҳар кенгашлари Ижроия қўмитаси, Алишер Навоий номли Самарқанд давлат университети уюштирган ғазалхонлик кечаси буюк шоир Алишер Навоийнинг 568 йиллигига бағишланди.

- Мустақиллик бизга барча қадриятларимиз қатори Алишер Навоий меросини ўрганишнинг кенг уфқларини очди, - деди тадбирда сўзга чиққан филология фанлари доктори, профессор Суюн Каримов. - 1991 йил Президентимиз томонидан Алишер Навоий йили деб эълон қилинди. Навоий мустақиллигимиз илк йилининг рамзи бўлди. Мутафаккир ҳамон барҳаёт. Унинг ўлмас асарлари нафақат юртимизда, балки жаҳоннинг кўплаб давлатларида турли тилларга таржима қилиниб, ўрганилмоқда.

Алломаларимизни фақат таваллуд кунларидагина эслаб эмас, балки доимий равишда турли анжуман, давра суҳбатлари, учрашувлар уюштириб, улар қолдирган мероснинг бизга нечоғли аҳамиятли эканлигини ва асарларининг мазмун-моҳиятини ёшларимизга чуқурроқ сингдириб боришимиз лозим. Халқимизнинг миллий ўзига хослиги ва маданиятини сақлаб қолиш ҳамда янада ривожлантириш учун ёшларимизда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришимиз керак. Бобомиз ғазаллари мазмунини теранроқ англар эканмиз, уларнинг бугунги кунимиз учун ҳам бирдек тааллуқлилигига амин бўламиз. Демак, алломаларимизнинг қатор тилларга таржима қилинаётган, бутун дунё халқлари томонидан ўрганилаётган асарларини ёшларимиз орасида тарғиб қилишни кучайтиришни асосий вазифамизга айлантиришимиз лозим.

ЎзМТДП Мирзачўл туман кенгаши тумандаги таълим муассасаларида ижодий муҳитни ривожлантириш мақсадида степендиялар жорий қилиб фаол ўқувчиларни рағбатлантириб келмоқда. Шундай интилувчан, билимли ёшлардан бири 7-синф ўқувчиси И.Мадалиев партия степендияси соҳиби бўлди.

ЎзМТДП Собир Раҳимов туман кенгаши ўтказган “Бобур ижодида Ватан мадҳи” мавзусидаги тадбирда адабиётшунос олимлар, ёзувчилар, партия фаоллари ва ўқувчи-талабалар иштирок этди. Тадбирда халқимизнинг буюк намояндалари ҳаёт йўли ижодини ўрганиш ва ёшлар тарбиясида бундан унумли фойдаланиш ҳақида сўз борди.

- Заҳириддин Муҳаммад Бобур отасининг бевақт вафотидан сўнг 12 ёшида валиаҳд сифатида тахтга ўтиради. У бунга ўзининг чуқур билим ва тафаккури, салоҳияти билан эришади. Бобур Мирзонинг буюк ижодкор, давлат арбоби, истеъдодли саркарда эканлигини биламиз. У давлат ишлари билан бир қаторда чавандозлик, қиличбозлик каби спорт турларини ҳам чуқур эгаллаган,- дейди ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Юнус. - Спорт фақат ҳимоя учун эмас, юрт шаънини баланд кўтарадиган, нуфузини оширадиган кучга айланиши керак.Чунки инсон соғлом бўлса, соғлом фикрлай олсагина юрт равнақига ҳисса қўша олади.

Ана шу мақсадда **ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши** томонидан спортни янада оммалаштириш, ёшларни спортга жалб қилиш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари, спорт мусобақалари ўтказиш йўлга қўйилган. Яқинда Гурлан туманида Йўлдош Аллаберганов хотирасига бағишлаб, самбо бўйича турнир бўлиб ўтди.

- Жорий йилнинг 16 январь куни Оқсаройда Президентимиз раислигида бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишидан сўнг биз ҳам вилоятда спортни ривожлантириш ва оммавийлигини ошириш юзасидан тадбирлар режасини белгилаб олдик. Ёшларни ҳар томонлама камол топишида спорт муҳим аҳамиятга эга. Спорт билан шуғулланган бола вақтини зое ўтказмайди. Мусобақаларда фаол иштирок этаётган ёшларимизни кўриб қувонасиз,- деди ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Б. Ибрагимов. - Яқинда теннис бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Жуфтлик ва якка тартибда ўтказилган баҳсларда 45 га яқин спортчилар қатнашиб, ўзаро куч синашдилар. Жуфтлик баҳсларида биринчи ўрин Эркин Нурмаматов, Ғуломбой Абдалниязовга, иккинчи ўрин Абдуакбар Қўтиев, Равшанбек Ғойибовга, учунчи ўрин Олимбой Бекжонов ва Ботир Бекназаровга насиб этди. Якка тартибдаги мусобақаларда биринчи ўринга Гулруҳ Каримова, иккинчи ўринга Муниса Бекчанова, учинчи ўринга эса Лариса Бекметова мушарраф бўлишди. Уларнинг шижоати, интилувчанлиги ва эришган ютуқлари ЎзМТДП вилоят кенгаши томонидан муносиб тақдирланди.

Партиянинг ушбу йўналишдаги тадбирлари сони кенгайиб бормоқда. **ЎзМТДП Тошкент вилоят ҳамда Паркент туман кенгашлари** томонидан Чанги қишлоғида миллий ва қадимий спорт турлари бўйича мусобақа ташкил қилинди.

- Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан болалар спортига бўлган эътибор кучайиб бормоқда. Партиямиз сафига ҳам интилувчан, иродали, спорт билан мунтазам шуғулланувчи ёшларимизни жалб қилиб, уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда Шу орқали миллий спорт ўйинларимизни жаҳон ареналарига олиб чиқишни мақсад қилганмиз,- дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент вилояти бошқармаси раисининг ижрочи директори Ўткир Рашидов. - Спорт инсонни жисмонан чиниқтирибгина қолмай, унинг руҳий, маънавий дунёсини бойитишга ҳам хизмат қилади.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девонининг Хотин қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими I-Республика тиббиёт коллежида “Оила қонунчилиги ҳаётга тадбиқ қилиниши ва уни такомиллаштириш масалалари” мавзусида тадбир ўтказди.

Аёлларимиз жамиятимизнинг етакчи кучларидан бири ҳисобланишади. Бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш борасида кўплаб амалий ишлар олиб бориляпти. Шундай долзарб масалалардан бири ёшларимизнинг турмуш қуришларидан аввал тиббий кўрикдан ўтишларидир.

- Миллат келажаги ёшларимиз қўлида экан, биз уларни ҳар жиҳатдан соғлом бўлишларига масъулмиз, - дейди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП МК Ижроия қўмита девонининг Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими бошлиғи Ойниса Муҳамадиева.

Анжуман якунида шу каби тадбирлар бошқа вилоят ва туманларда ҳам ўтказилиши режалаштирилди.

Партия нуфузини оширишда

тадбирларнинг таъсирчанлиги ва самараси муҳим рол ўйнайди

Рўзибой МАТКАРИМОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

ЎзМТДП Хоразм вилояти ташкилотлари томонидан ўтказилаётган тадбирлар мазмунига эътибор берсак, уларда аввало партия ғоялари, вазифалари, мақсадларини ҳаётга татбиқ этиш, партия сафини истеъдодли ва серғайрат, билимдон ёшлар ҳисобига бойитиш, уларнинг маънавиятини юксалтириш, миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизни асраб-авайлаш масалаларига кенг ўрин берилганини кўрамиз.

Яқинда партия Хонқа туман кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан Мадр қишлоғида ўтказилган “Миллий тикланиш — миллат келажаги” мавзусидаги тадбир ҳам ана шу мақсадларга қаратилди. Унда партия туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А.Бекчанова, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси З.Бекчанова, “Маҳалла” жамғармаси туман бўлими раиси Э.Ниязматовлар сўзга чиқиб, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида сиёсий партияларнинг тутган ўрни, уларнинг нуфузи ва фаолият самарадорлигининг ошаётганлиги, жумладан “Миллий тикланиш” демократик партияси сафи кундан-кун кенгайиб, айниқса партия фаолиятига ёшларнинг қизиқиши ортиб бораётгани хусусида ўз фикрларини баён этдилар.

Президентимиз томонидан 2009 йилнинг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши бошланғич партия ташкилотлари олдига ҳам муҳим вазифалар қўяди. Қишлоқларимиз тараққиёти — мўл-кўлчилигимиз гаровидир. Тадбирда қишлоқ фаоллари билан қизғин мулоқот бўлди.

Тумандаги 37-мактабда “Миллат равнақи ёшлар билан” мавзусида ўтказилган тадбирда эса ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, фарзандларимизда ватанпарварлик ҳиссини ошириш, ҳар томонлама етук баркамол авлодни вояга етказиш масалалари тилга олинди.

ЎзМТДП Қўшкўпир туман кенгаши Ижроия қўмитасининг вилоят кенгаши билан ҳамкорликда Оқдарбанд қишлоғи 28-мактабда ўтказган тадбири ҳам ёшлар мавзусига бағишланди. Унда юқори синф ўқувчилари “Ёшлар ОИТС ва гиёҳвандликка қарши” шиори остида кеча ташкил этиб, гиёҳвандликнинг оқибатлари ҳақида саҳна кўринишлари намойиш этишди. Тадбирда сўзга чиққан қишлоқ врачлик пункти шифокори Х.Матяқубова ёшларга бундай иллатлардан узоқроқ юриш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан маслаҳат берган бўлса, туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари М.Тиллаева, мактаб директори Ю.Курязов ёшлар ҳаётида илм-фан, ҳунар ўрганишнинг, спортга ошно бўлишнинг аҳамияти ҳақида гапирдилар.

ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан ўтказилган “Сиз миллий тикланиш партиясини биласизми?” мавзусидаги тадбир қатнашчилари партия фаолияти юзасидан ўзларини қизиқтирган саволлар билан иштирок этдилар. Бу тадбирда тумандаги бошланғич партия ташкилотлари фаоллари рағбатлантирилди.

ЖАРАЁН

НИГОҲ

Иқтисодиётимиз янада кучли ва барқарор бўлади

энг муҳими, жаҳон миқёсида юзага келган бугунги вазият Ўзбекистон танлаган йўл тўғри эканлигини яна бир карра исботлади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Масалан, 2008 йилда ялпи ички маҳсулот 9 фоизга ўсди. Бундай ўсиш саноатда 12,7 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 17,7 фоизни, хизмат кўрсатишда эса 21,3 фоизни ташкил этди. Барқарор суръатлар билан ривожланишни бошқа тармоқлар, хусусан қурилишда 8,3 фоиз, транспорт ва юк ташишда 10,2 фоиз, савдода 7,2 фоизга ўсди. Айниқса, юзага келган мураккаб шароитга қарамай қишлоқ хўжалигида ўсиш суръати 4,5 фоизни ташкил этди. Натижада, 3 миллион 410 минг тонна пахта хомашёси, 6 миллион 330 минг тонна ғалла тайёрланди. Тўпланган ғалланинг 6 миллион 145 минг тоннасини эса буғдой ташкил этгани айниқса қувонарли бўлди. Президентимиз маърузасидан ана шундай рақамларни эшитиб, ўтган йилнинг ёзидаги бир воқеа ёдимга тушди. Ғалла ўрими чоғида тасодифан бир одамни учратиб қолдим: кайфияти чоғ. "Ҳа, тинчликми?", деб сўрасам, "Зўр", деди. "Нима бўлди?" дедим. "Оғайни, — деди у. — Бу йил обҳаво яхши келмади. Мени айтди дейсан, кеч куз ёки қишга бориб буғдой ва уннинг нархи кескин ошиб кетади. Шунинг учун анча маблағ тўплаб, буғдой олиб қўйдим, кеч кузда камида икки баробарга сотаман, пулинг бўлса сен ҳам олиб қўй". Уни йилнинг охирроғида яна учратиб қолдим. Сохта тадбикорнинг бу гал кайфияти йўқ. Нега десам, у ўйлаганчалик бўлмабди: буғдойнинг ҳам, уннинг ҳам нархи кўтарилиш ўрнига арзонлашиб кетибди.

Бизда негадир кўп кишилар бозордаги ҳолатни гўштнинг нархи билан қиёслашади: ўтган йили гўшт фалон сўм эди, бу йил фалон сўм бўлди, деб. Ва мамлакат ҳамда халқнинг иқтисодий аҳволини ҳам гўштнинг нархига қараб баҳолашади. Лекин, мамлакатимизда сўнгги пайтда гўшт нархининг ошгани сезилгани йўқ. Бунинг асл сабабларини ҳам Президентимиз ўз маърузасида асослаб берди. Масалан, мамлакатимизда 2008 йилда эҳоли ва фермер хўжаликларида кимошди савдолари орқали 20 минг 300 бошқорамол сотилган ва бунинг учун 48 миллиард 200 миллион сўмлик имтиёзли кредит берилган. Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга бепул 103 мингдан зиёд қорамол ажратилган. Маълумотларга қараганда, 2009 йилнинг 1 январигача қорамол боқувчиларнинг умумий сони 1 миллион 100 минг нафарга етган. Бунинг натижасида 54 минг нафар киши янги меҳнат дафтарчасига эга бўлган бўлса, 111 минг нафар фуқаронинг эса мавжуд меҳнат дафтарчасига иш стажи қайд этила бошланган. Ва алал-оқибат ҳамда энг муҳими, юқорида айтилганидек, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотларининг нарх-навосида ўзгариш рўй бермади, аксинча арзонлашди.

Ўтган йилнинг октябрида бир танишимиз ўзининг хусусий бизнесини очди: жой олиб, дўкон курди. Ҳозир ишлаб чиқариш қилиш ниятида. "Жуда мароқли бўлар экан,- дейди. - Тайёр маҳсулотни кўриб, ҳам кўзинг қувнайди, ҳам дилинг яйрайди. Табиийки, турмушинг ҳам ёмон бўлмайди. Энг муҳими, ҳукумат ишлаб чиқарувчиларни мунтазам қўллаб-қувватлаяпти". Президентимиз маърузасидан маълум бўлишича, бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 76 фоиздан кўпроғи кичик бизнесда меҳнат қилаяпти. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилда 45,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2008 йилда 48,2 фоизга етган. Яна бир рақамга эътибор қаратинг: сўнгги олти йил ичида кичик бизнес субъектлари сони 1,9 баробар кўпайиб, 2008 йилда қарийб 400 мингтани ташкил қилган. Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига ҳукумат даражасида эътибор қаратилмоқда, имтиёз ва енгилликлар яратилмоқда. Масалан, йилдан-йилга уларнинг солиқ юки камайтирилмоқда, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ўн фоиздан саккиз фоизга, 2009 йилдан етти фоизга туширилди. Бундан ташқари даромад солиғи ставкалари ҳам камайтирилди.

Лекин Президентимиз маърузада айтганидек, иқтисодиётимизнинг жаҳон хўжалик ва иқтисодий молиявий тизимига интеграциялашув жараёни тобора чуқурлашиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, жаҳон молиявий инқирози, аввало унинг оқибатлари бизга ҳам салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Шу сабабдан ҳам мамлакатимиз раҳбари маърузасининг асосий қисми 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим, устувор йўналишларига қаратилди. Айтиш жоизки, жаҳон миқёсидаги нуфузли экспертларнинг хулосаларига кўра, бу инқироз нафақат жорий йилда, балки 2010 йилда ҳам давом этиши, эҳтимол янада чуқурлашиши айтилмоқда. Модомики шундай экан, унинг олдини олиш учун пухта, жиддий ҳисоб-китоб қилинган, моддий жиҳатдан асосланган дастурлар тузиш ва амалга ошириш зарур бўлади. Мамлакатимз раҳбарининг маърузасини тинглаган кишида бизда ана шундай дастур аллақачон яратилгани ва у ўзининг дастлабки натижаларини бераётганига тўлиқ ишонч ҳосил қилади. Айни шу мақсадни ифодалаб, Президентимиз: "Мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни энг устувор йўналиши бўлиб қолади", деди. Ушбу Дастур тўрт йилга мўлжалланган бўлиб, бешта бўлим — комплекс чора-тадбирлардан иборат.

Инқирозга қарши чоралардан энг муҳими ва биринчиси корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни жорий қилишдан иборат бўлса, иккинчиси, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни ташқи бозорларда рақобатбардош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш, учинчидан, қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарни рақобатбардошлилигини оширишдир. Яна бир муҳим тадбир электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергияни истеъмолини камайтириш ва энергияни тежашнинг самарали тизимини жорий этиш, бундан ташқари жаҳон бозорида талаб пасайиб бориши туфайли ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Мамлакатимиз раҳбари бу борада махсус Дастур ишлаб чиқилаётганини маълум қилди. Айтилишича, ушбу мақсадлар учун дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, умумий қиймати 24 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган қарийб 300 та инвестиция лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

Бундан ташқари бошланган таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш, қишлоқ турмуш даражасини юксалтириш, хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини янада жадал ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш ҳамда банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш каби масалалар 2009 йилнинг энг устувор вазифалари қилиб белгиланди.

Бундай пухта, узоқни кўзлаб тузилган ҳамда моддий асосланган дастур ва чора-тадбирлар мамлакатимизни нафақат иқтисодий инқироздан эсон-омон олиб чиқади, балки мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек: "Бу дастур инқироздан сўнгги Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимизда турган устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ишончли замин яратади".

Мамлакатимиз раҳбарини ўз чиқишларининг сўнггида, айниқса, журналистларни ушбу кенг кўламли жараён ва вазифаларни амалга оширишда фаоллик кўрсатишга ундаганликлари бизни ҳам чексиз қувонтирган бўлса, ҳам зиммамизда юксак масъулият турганлиги ва юкланганини англатди. Бу биз журналистларни ушбу тезкор, мураккаб ва қайноқ жараённинг нафақат тарғиботчиси, балки фаол, онгли иштирокчисига айланишмизга очиқ даъватдир. Демак, биз ана шунга ҳар жиҳатдан тайёр ва муносиб бўлишимиз лозим.

Исмат ХУДОЁРОВ

ОГОҲЛИК

Ёғин-сочинли кунлар бўлишига қарамай, ёнғин ҳолатлари кескин камаяётган бўлса-да, айрим фуқароларимиз ҳамон ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузишда давом этишмоқда. Нега? деган савол туғилади. Очиғини айтиш керак, кўпчилигимиз ёнғинга қарши оддий қоидаларга ҳам амал қилмаймиз.

Хотиржам бўлай десангиз

тавсия қилинаётган қоидаларга риоя қилинг

Маълумки, Юнусобод пойтахтнинг аҳолиси гавжум туманларидан бири ҳисобланади. Ҳудудда 58 та маҳалла мавжуд бўлиб, жорий йилнинг 1 ойи мобайнида 11 та (қиёслаш учун: 2008 йили 29 та ёнғин ҳолати қайд этилган) ёнғин содир этилган. Шундан, 5 таси аҳоли турар-жойларида (2008 йилда 20 та), 6 таси очиқ майдон ва кўчаларда юз бергани афсусланарли ҳол, албатта.

Тўғри, ёнғинни бартараф этиш, аввало, ўт ўчирувчиларнинг вазифаси. Бироқ, унинг олдини олиш-чи? Ахир, бу сизу биз, оддий фуқароларнинг бурчи эмасми? Шундай экан, бепарволикни бир чеккага суриб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни ҳам ўрганайлик. Бу борада қуйидаги тавсиялар асқотса не ажаб.

- Ҳар кимнинг фарзанди ўзи учун ширин ва азиз. Шу боис, ёш болангизни уйда ёлғиз қолдирманг. Уларнинг олов билан ўйнашларига, қуриган ўт, шох-шабба ва чиқиндиларни ёқишига рухсат берманг.

- Ҳар қандай вазиятда, айниқса, маст-аласт ҳолда тўшакда ётиб чекманг. Акс ҳолда, охири вой бўлиши мумкин.

- Вақти-вақти билан газ, иситиш мосламалари ва мўриларни туман газ хизмати ходимлари, мутахассисларга текширтириб туриш фойдадан холи бўлмайди.

- Газ плиталарини қаровсиз қолдирманг. Шунингдек, ўзбошимчалик билан газни шланг орқали бошқа жойга кўчирманг.

- Уйдан кўчага чиқиш олдидан электр иситиш мосламалари, телевизор ҳамда электр аппаратураларини токдан суғуриб қўйишни унутманг.

- Кўчаларни қуруқ ўт-ўланлар, шох-шаббалар ва чиқиндилардан ўз вақтида тозаланг.

- Бир-бирига туташ хонадонлар ўртасида эни 120 мм, бўйи томдан 600 мм баландликдаги ёнғин хавфсизлиги девори бўлмоғи лозим.

- Мабодо, ошхонага кирганингизда газ ҳидини сезсангиз, чироқни ёқмай ёки ўчирмай туриб, дарҳол ошхонани шамоллатиб олинг.

- Агар овқат тайёрлаётган пайтингизда қозондаги ёғ ёна бошласа, устини қопқоқ ёки қалин мато билан ёпинг.

- Бирор жойда ёнғин содир бўлаётганини билиб қолсангиз, дарҳол "01" телефонига қўнғироқ қилиб, ўт ўчирувчилар автомашинасини кутиб олинг.

"Сен тинч - Ватан тинч, юрт тинч", дейди доно халқимиз. Бас, шундай экан юқорида келтирилган ёнғинга қарши чора-тадбирларга барчамиз риоя қилайлик. Шунда нафақат ўз жонимизни, балки пешона тери эвазига орттирган мол-мулкимизни ўт балосидан асраган бўламиз. Қолаверса, сезгирлигингиз туфайли яқинларингиз, қўни-қўшнилар сиздан бир умр миннатдор бўлиб юришади. Ахир, сизу бизга берилган ҳаётдан улуғроқ неъмат борми бу дунёда.

Юнусобод тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими

АНЪАНАЛАРИМИЗ

Абу Бакр ЎРОЗОВ

Қадриятлари қадрланган юрт

оила, маҳалла, таълим-тарбия масканлари ҳамкорликда иш олиб бормоқда

Миллий юксалишнинг негизини тарихий ўтмишга таянган ҳолда буюк келажак сари интилиш ташкил қилади. Тарихдан маълумки, Ўзбекистон қадим-қадимдан маданият, илм-фан ривожланган давлатлардан бўлган. Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистонда савдо-сотиқ билан бир қаторда Европа ва Осиё мамлакатлари фан ва маданият ютуқлари билан ҳам яқин муносабат ўрнатилди.

Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни қайта тадқиқ қилиш ва уларни жонлантириш, миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини мустаҳкамлаш каби мустақиллик йилларида бошланган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш муҳити шакилланди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихимизни чуқур ўрганиш, меъморий ёдгорликлар ҳамда зиёратгоҳларни асраб-авайлаш, жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз ва Шарқнинг маърифат бешиги сифатида довруғ қозонган қадимий шаҳарларимизнинг юбилейларини нишонлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу боисдан, бугунги кунга келиб унутилаёзган қадриятларимиз, миллий урф-одатларимиз қайта тикланди. Шунингдек, ёшларимизда замонавий илм-фанга қизиқиш, одоб борасидаги миллий, умуминсоний қадриятларга риоя этиш, ота-она, қўни-қўшни, қариндош-уруғ, ёру биродарларни эъзозлаш, бошқа шахсларнинг манфаатларини ҳурмат қилиш, инсонни улуғлаш, жамият осойишталиги ва тинчлиги, таълим-тарбияни миллий, умуминсоний қадриятларга асосланиб амалга оширишга туртки бўлмоқда.

Маълумки ўзбек халқи турмуш тарзининг асосий хусусиятларидан бири Шарқ халқларига хос бўлган руҳий-психологик ҳаёт тарзидир. Халқимиз ҳаётида одоб-ахлоқ меъёрлари асосидаги расм-русумлар, анъаналар ва одатларнинг аҳамияти беқиёсдир. Халқимиз азалдан жамоа бўлиб яшаб қўни-қўшничилик удумига қатъий риоя қилган. Оилада туғилган ҳар бир гўдакка яхши ният билан исм қўйилган ва саводини чиқариш учун устоз-муаллим қўлига топширилган. Фарзандларни ҳунарли ва уй-жойли қилиш ҳам ота-оналар ҳаёт фаолиятининг энг муҳим вазифасига кирган. Кундалик юриш-туриш, салом-аликдан тортиб инсонийликнинг барча таомиллари жамоа назарида бўлган.

Бугунги кун ёшларини тарбиялашда оиланинг ўрни бениҳоя каттадир. Ҳар бир инсон оиланинг ўзида ёшлигидан маънавиятнинг манбаларидан озиқланиб боради. Авваламбор оилада ота-онанинг ўрни, бошқа оила аъзолари билан муносабат бола учун мактабдир. Оилаларда сақланиб қолган урф-одатлар, анъаналар тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Маълумки, Шарқ оламида болаларни тарбиялаб, жамиятда ўрнини топишида оиланинг таъсирига алоҳида эътибор бериб келинган. Ҳозирги кунда жамиятимизда шундай оилалар борки, уларда асрлардан бери авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналар, урф-одатлар муносиб давом эттирилиб келинмоқда.

Масалан, ўзбек оиласида ўзаро ҳурмат ҳамманинг қонқонига сингиб кетган. Оилада ёши улуғ кишиларнинг фикри доимо ҳал қилувчи роль ўйнайди. Уларнинг ҳурмати ҳам жойига қўйиб келинади. Ёши катталарга уй тўридан жой бериш, уларга дуо-фотиҳа қилдириш, биринчи бўлиб дастурхонга қўл узатиш ёки ёши катта киши гапираётганда қулоқ солиб туриш каби анъаналар мавжудки, булар ҳар бир ўзбекнинг қон-қонига сингиб кетган қадриятлардир. Шунингдек, оилада ёшларнинг тарбиясига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинган. Жумладан, "Ноннинг устига бирон нарса қўйма, нонни тепкилама!", "Бўш бешикни тебратма!", "Кексаларни олдини кесиб ўтма!", "Отанга тик қарама!". Бу таъқиқлар аслида ўзбек халқининг бола тарбиясидаги нодир анъаналаридандир. Зотан, аждодларимиз ўз ақлу шуури билан фарзандларининг жисмоний баркамол, ақлий мукаммал бўлиши учун кўпгина амалларни бажариб келишган. Мисол учун, оилада чақалоқ дунёга келганда яхши ният билан бешик сотиб олинади. Бешикнинг бола тарбиясидаги ўрни жуда катта. Бешик боланинг руҳан ва жисмонан баркамол бўлиб етишишида алоҳида роль ўйнайди. Ундаги ўзига хос ташқи ва ички безаклар, турли тақинчоқлар, тебраниш ва ранглар фарзандларимизнинг руҳий тарбиясида зоҳирий маъно касб этса, дунёнинг биринчи ва энг гўзал қўшиғи бўлган она алласидаги майин оҳанглар, сирли ундовлар ботиний Ватан оҳангидир.

Фарзанд дунёга келиши билан оилада, ўқув даргоҳларида унинг қалбига эзгулик ғояларини сингдириш, миллий тафаккур ва соғлом дунёқарашни шакллантиришга киришилади. Чунки, ҳар бир инсон қиёфасида акс этувчи маънавий-ахлоқий сифатларнинг асоси оила тарбиясини йўлга қўйиш, оила аъзоларининг ўзаро муносабатларига бевосита боғлиқдир. Яъни, ҳар бир оила, маҳалла, таълим-тарбия масканлари билан ҳамкорликда ёшларни илк давриданоқ ахлоқли, одобли қилиб тарбиялашнинг аҳамияти катта.

Юртимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг асл маъноси ҳам, оилани, онани, фарзандни ва кексаларни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилмоқда. Буни ўтаётган йилларимизнинг номланишидан ҳам англашимиз мумкин. Инсон манфаатлари, Оила, Аёллар... Соғлом авлод, Оналар ва болалар, Қарияларни қадрлаш, Меҳр ва мурувват... Ижтимоий ҳимоя, Ёшлар йили.

Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган Республика "Оила" илмий-амалий маркази ва унинг вилоятлардаги бўлимлари оила муаммоларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш орқали, оилаларга моддий ва маънавий ёрдам беришга оид тавсиялар ишлаб чиқишади. Оилани қўллаб-қувватловчи ташкилотларга ёрдам кўрсатишни, ёшларни истиқлол ғояси, Ватанга, оилага, маҳалласига ҳурмат руҳида тарбиялашни ўзининг бирламчи вазифаси, деб билади.

Соғлом зурриёт-соғлом ва баркамол авлод асосидир. Шу маънода, соғликни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ошиб, сифати яхшиланмоқда. Ҳукуматимизнинг аёллар ва ўсиб келаётган авлод саломатлигини яхшилаш борасидаги ғамхўрлиги сабабли чақалоқлар, туғиш ёшидаги аёллар ўртасида ўлим кўрсаткичлари сезиларли даражада камайди. Ёшларнинг, улар ота-оналарининг оила ва никоҳ масалаларига муносабатлари ҳам ўзгарди. Оила барқарорлигини кафолатловчи қонунлар ва меъёрлар ҳаётимизга сингиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан «Ёшлар йили» деб эълон қилинган 2008 йилда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар фуқаролар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш, ёш авлодни Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ва камол топтиришда муҳим аҳамият касб этди.

Эзгу мақсадларимизга йўналтирилган бундай ишларнинг яна бир ўзига хос жиҳати- ёш авлодга мукаммал таълим бериш билан бирга, Ватан тақдири, унинг бугуни ва келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган авлодни тарбиялашдан иборат. Зотан, ёшларнинг пухта билим олиши учун юрт тинчлиги ва осойишталиги муҳим аҳамиятга эга. Бугунги ёшларнинг ҳаёти порлоқ бўлиши учун мураккаб технологияларни эгаллаши, эркин тафаккурни шаклланиши, миллий қадриятлар, урф-одатлар моҳиятини тушунтириш жараёнида оила, маҳалла, таълим-тарбия, маданият масканлари аниқ режа-дастурлар асосида фаолият олиб бориши зарурдир. Чунки ўзликни англаб, ички бир табиий куч билан келажак учун ҳаётга муносабатини ўзгартириб, ўз тақдирини, халқнинг истиқболини ўйлаш эҳтиёжи бор ва уни ечимини топиш учун бугун шарт-шароитлар мавжуддир.

Демак ёшларни ҳаётга тайёрлашда оила, маҳалла, таълим-тарбия масканлари билан маънавий-маърифий ҳамкорлик олиб борилаётгани, ўз самарасини беради. Шунингдек, маҳалла-кўй, атрофдагилар билан ижтимоий алоқаларни ўрнатиш эвазига шахс камол топади. Чунки, ёш авлод камолотини таъминлашда оила аъзоларининг биринчи галда ота-онанинг дунёқараши, ҳаётий ёндашувлари, маънавий-ахлоқий қарашлар муҳим ҳисобланади. Ана шу омиллардан ўринли фойдаланаётган оила, маҳалла фарзандларни миллий урф-одатлар, қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашда зарурий билим ва кўникмалар бериб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихимизни чуқур ўрганиш, меъморий ёдгорликлар ҳамда зиёратгоҳларни асраб-авайлаш, жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз ва Шарқнинг маърифат бешиги сифатида довруғ қозонган қадимий шаҳарларимизнинг юбилейларини нишонлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ИҚТИСОДИЁТ

ФАРМОН ВА ИЖРО

Акциядорлик жамиятлари

уларнинг капиталлашув даражаси янада оширилади

Ҳусан ХЎЖАМҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси бош маслаҳатчиси

Маълумки мамлакатимизда жамиятни янгилаш, мамлакатни обод қилиш, бозор иқтисодиётини модернизациялаш йўлида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Босқичма-босқич ўтказилаётган ушбу ислоҳотлар натижасида бозор иқтисодиётига хос бўлган инфратузилмалар барпо этилди, хусусий мулкчилик жорий қилинди, тадбиркорлар қатлами вужудга келди. Натижада, иқтисодиётимиз йилдан-йилга юксалиб, аҳолининг реал даромадлари ошиб бормоқда.

Яна бир факт, эндиликда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг учдан икки қисми хусусий сектор вакиллари ҳиссасига тўғри келмоқда. 2008 йил 18 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳам иқтисодий ислоҳотларни тобора чуқурлаштиришга, хусусий сектор фаолиятини янада ривожлантиришга, бинобарин ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тизимини яхшилашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Маълумки, бозор иқтисодиёти табиатан хусусий мулкчилик, соғлом рақобатга асосланган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тизимига асосланади. Хусусий мулкчилик ва рақобатни ривожлантиришда акциядорлик жамиятларини такомиллаштириш, банкротликка учраган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларни таркибий жиҳатдан қайта йўналтириш катта самара беради.

Ўтган йиллар давомида олиб борилган иқтисодий ислоҳотлар давомида амалга оширилган ана шундай чора-тадбирлар натижасида вужудга келган кўплаб акциядорлик жамиятлари бугунги кунда тобора ривож топиб бораётир. Лекин шунга қарамай шу турдаги айрим корхоналарнинг, иқтисодиётнинг реал секторидаги бошқа турдаги мулкчилик шаклларида фаолият юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланган.

Президент Фармонидан кўзланган асосий мақсад ҳам иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш, молиявий соғломлаштириш, бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни, шу жумладан, тижорат банкларининг маблағларини кенг жалб қилишдан иборат. Ушбу мақсадда 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этиладиган очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятларининг устав жамғармасининг энг кам миқдори жамият давлат томонидан рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эквиваленти 400,0 минг АҚШ долларига тенг суммани ташкил этиши лозимлиги белгилаб қўйилди.

Фаолият юритаётган очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари эса 2010 йилнинг 1 январигача низом жамғармалари миқдорини улар қайта рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эквиваленти камида 400,0 минг АҚШ долларига тенг суммага етказишлари ёки хусусий мулкчилик шаклига ўтишни таъминлашлари шартлиги белгиланди.

Фармоннинг иккинчи бандида банкрот корхоналарни аукцион ва танлов савдолари орқали тижорат банкларига мулк сифатида сотиш механизмини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Эндиликда тижорат банклари иқтисодий ночор, банкротликка учраган корхоналарни мулк сифатида аукцион савдолари орқали сотиб олишлари ва кейинчалик инвесторларга сотишлари мумкин. Иқтисодий ночор корхоналарни ана шундай йўл билан соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва қайта жиҳозлаш кўзда тутилмоқда. Натижада иқтисодиётимиз янада барқарорлашиб, аҳолининг реал даромадларини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида янада катта ютуқларга эришиш имконияти вужудга келади.

БУНЁДКОРЛИК

Алишер РАҲМОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бойсунлик йўлсозлар

ўтган йилда 1 млрд. 156 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар



Кейинги йилларда мамлакатимиз автомобиль йўллари жаҳон стандарти талаблари асосида таъмирланиши натижасида ўзгача чирой очиб бормоқда. Жойлардаги мавжуд йўлларни сифатли сақлаш ва таъмирлаш, миллий иқтисодиётимизнинг юксалишига асосий омил бўлмоқда. Бу борада бойсунлик йўлсозларнинг муносиб ўрни бор.

Бойсун йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш фойдаланиш давлат корхонаси Сурхондарё вилоятидаги энг намунали корхоналар қаторидан ўрин олган. Маълумотларга кўра, бойсунлик йўлсозлар тендер танлови асосида ўтган йилда 4 Н-613 Бойсун-Дуоба йўлининг 2 ва 12 километрларида 271 млн. 454 минг сўмлик капитал таъмирлаш, шунингдек, 4 Н-605 Дарбанд-Мачай йўлининг 9,2 ва 12,3 километрларида 344 млн. сўмлик бетон ишларини амалга оширган. Бундан ташқари йўлсозлар ўрта таъмирлаш, жорий таъмирлаш, қишки қаров ишларини ҳам сифатли бажаришга эришмоқда. Ўтган 2008 йилда жамоа аъзолари 1 млрд. 156 млн. сўмдан зиёдроқ қурилиш-монтаж ишларини бажарган.

Аҳил жамоанинг бир мақсади сари интилиши туфайли ўтган йилда қўлга киритилган ютуқлар жорий йилда мустаҳкамланмоқда. Иш жойлари техника билан тўлиқ таъминланган. Йўлсозларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ўз ишига сидқидилдан ёндашган Баҳром Кенжаев, Сафар Норматов, йўлсозлар Рашид Бобоқулов, Рўзибой Сатторов каби йўл усталари экскаваторчи Исмоил Бозоров, бульдозерчи Намоз Имомқулов, автогрейдер ҳайдовчиси Равшан Раҳимқуловлар самарали меҳнат қилиб, жамоанинг фахрига айланишган.

Албатта мана шундай заҳматли меҳнат, юксак кўрсаткичлар ортида инсон меҳнати ётади. Шу боис корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси томонидан талай ибратли ишлар қилинди. Тузилган жамоа шартномасининг бандларига кўра ишчи-ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, енгилликлар яратиш ва ижтимоий ҳимоялашга қаратилган ишлар ўзининг амалий ифодасини топган.

Мазкур корхонада айни вақтда 160 нафар ишчи-ходим фаолият кўрсатмоқда. Ишчилар учун бепул иссиқ овқат, махсус кийим-бош, дам олиш хоналари ташкиллаштирилган. Энг асосийси, улар иши ва меҳнатига қараб, вақтивақти билан моддий рағбатлантириб турилади.

Ҳисоб-китобларга кўра, ўтган йилда ишчи-ходимлар учун 4 млн. 18 минг сўмлик маблағ моддий ёрдам сифатида берилган. Боз устига, 12 нафар ишчилар фарзанди ёзги "Вахшивор" оромгоҳида дам олиб қайтишган. 6 нафар ишчига эса нуфузли сиҳатгоҳларга йўлланма берилган.

Корхонада бўлиб ўтадиган ҳар бир байрам, улуғ саналар алоҳида шоду хуррамлик билан нишонланади. Байрам дастурхонини ташкил этиш, ишчиларга совға-саломлар улашиш одат тусига айланган. Айниқса, корхона қошидаги ёрдамчи хўжаликда парвариш қилинаётган 130 бош майда чорва моллари ва 50 оила асаларидан олинаётган маҳсулотлари йил давомида ишчилар дастурхонини безамоқда.

Таъкидлаш жоизки, корхонада касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Касаначилик бўйича, асосан, тикувчилик ишлари кенг йўлга қўйилган бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан корхона ишчилари ҳам унумли фойдаланишмоқда.

- Корхонамизда ҳамма аҳил ва иноқ. Уларнинг аҳиллиги туфайли иқтисодий кўрсаткичларимиз йил сайин ортиб бормоқда. Қиш мавсуми бўлишига қарамай барча зарур ашёлар 20 тонна туз, 520 тонна қум жамладик. Бундан ташқари, Бойсун довонларидаги ҳар бир йўл бўлимларимизда навбатчилик хизматлари ва 10 дан ортиқ ҳар турдаги техника воситаларини жалб этганмиз.

Президентимиз томонидан эълон қилинган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да режаларимиз катта. Ҳудудимиздаги Бойсун-Мачай, Бойсун-Омонхона, Бойсун-Работ йўллари, шунингдек, олис қишлоқлардаги йўлларни ўрта ва тубдан таъмирлашни режалаштирганмиз,- дейди корхона раҳбари Салим Равшанов.

Дарҳақиқат, йўлларни равон, пишиқ ва чидамли бўлиши ана шу корхоналар саъй-ҳаракатига боғлиқ. Бир сўз билан айтганда миллий иқтисодиётимизнинг асосий омилларидан бири бўлган, йўллар кафолати айнан йўлсозларимиз зиммасидадир.

ОБОД УЙ

Қишлоқда япон сафораси

ва каштанзорлар кўпаяди

Пардабой ТОЖИБОЕВ

76 баҳорни қаршилаш арафасида турган Салоҳиддин ака ҳар йили битта бўлса ҳам кўчат ўтқазишни яхши кўради. Унинг бу феъли ўзи қатори қарияларнинг тилидан тушмайди. Ҳозирда нафақада бўлишига қарамасдан 9 гектарлик боққа боғбонлик қилади. Қуриб қолган дарахтларни янгилайди, боғни кенгайтиради, нобуд бўлишига йўл қўймайди.

Ҳикоямиз қаҳрамони Салоҳиддин Назаров туман ўрмон хўжалигига раҳбар бўлган чоғларида кўкаламзорлаштириш ишлари янада ривож топди. Буюк ипак йўлининг муҳим тармоғи ҳисобланган Амир Темур дарвозасидан то Самарқанд вилояти чегара ҳудудигача бўлган йўлнинг икки томони кўкаламзорлаштирилиб, дарахтлар ўтқазилди.

- Бу йилги қиш фасли дарахт ўтқазишга жуда катта имкониятлар очиб бераяпти. Ер музлаган эмас, дарахт экишни бошлаяпмиз. Бу соғлиғимиз учун, ҳаётимиз учун зарур,- дейди оқсоқол.

Кейинги пайтларда Япон сафораси кўчатларини ҳам вилоятда, хусусан, Ғаллаорол туман ҳудудларида экиш учун арзигулик ишлар қилинмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш, экологик муносабатларни яхшилаш учун каштанзорлар барпо этиш асосий масала бўлиб турибди.

Кўчатхоналарда 600 кг. каштан, 40 кг. япон сафораси уруғларини экиш учун ер тайёрланди. Кўчатларни маҳаллаларга экиш тадориги кўрилмоқда.

Дарахт кўчатлари ўтқазиш бизнинг миллий қадриятларимиз ҳисобланади. Қадриятларимизни асраб-авайлаш, уларга гард юқтирмай авлодларга бус-бутун етказишда Салоҳиддин ака Назаровдек ҳаётини боғ яратиш ишқига бағишлаган инсонларнинг сўзига амал қилсак арзийди.

ДАВРА СУҲБАТИ

Тадбиркорлар манфаати – ҳимояда

Сирдарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳага оид меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда тузилган ишчи гуруҳи фаолият кўрсатмоқда.

Гулистон шаҳрида вилоят монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси ташаббуси билан мазкур масалалар юзасидан вилоятда бажарилаётган ишлар таҳлили ҳамда ушбу ишчи гуруҳи фаолиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда тадбиркорларнинг эркин фаолият кўрсатиши йўлида учраётган муаммо ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган фуқароларга ҳар томонлама кўмаклашиш, вақтинча фаолияти тўхтатиб қўйилган тадбиркорлик субъектларини қайта тиклаш, уларга амалий ёрдам бериш, бўш ётган биноларни ишлаб чиқаришга йўналтириш, янги иш ўринлари яратиш борасида сўз борди.

Ишчи гуруҳи ана шу масалалар бўйича туман ва шаҳарларда қилинаётган ишларни атрофлича ўрганиб, соҳада ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш борасида тадбиркорларга бевосита амалий ёрдам кўрсатаётгани қайд этилди.

– Тадбиркорнинг хайрли мақсадда бошлаган иши ўз самарасини бериши учун у аввало етарли даражада ҳуқуқий ва иқтисодий билимга эга бўлиши шарт, – дейди вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Эркин Хўжақулов. – Мазкур ишчи гуруҳи ҳам ана шу мақсадда ташкил этилди. Келгусида унинг ишини янада такомиллаштириш, фаолият доирасини кенгайтиришни мўлжалламоқдамиз.

Тадбирда хорижий инвестицияларни ишлаб чиқаришга фаол жалб этиш, ижобий тажриба ва ташаббусларни кенг қўллаб-қувватлаш, амалиётга жорий қилиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ФАОЛИЯТ

Маҳсулот сифати — корхона обрўси

Қизилтепада янги ун заводи ишга туширилганидан буён аҳолининг сифатли ун маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжи тўла қондирилмоқда

Халил ЖАЛИЛОВ

"Ун заводи" масъулияти чекланган жамиятида меҳнат интизомига қатъий риоя қилинади. Бунда ҳар бир ишчи-ходим, ҳисобчи-ю омбор мудири ўз вазифасини чуқур ҳис қилган ҳолда ишлайди, исрофгарчиликка йўл қўйилмайди.

Бош муҳандис Зиёдулла Бафоев, ишчилардан Фахриддин Камолов, Салоҳиддин Намозов, Қосим Юсупов, Ҳалима Усмонова, Ойсулув Исҳоқова, бош мутахассис Мақсуд Муқимов ва лаборантлар ишлаб чиқарилаётган ун сифатига алоҳида эътибор қаратишяпти. Бунинг натижаси ўлароқ маҳсулот сифати ортиб боряпти.

- Муҳими - халқ хизматимиздан мамнун бўлса кифоя,- дейди корхона раҳбари Бахтиёр Бердиев.

НАМУНАЛИ ХИЗМАТ

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Қишлоқ обод бўлмоқда

Ватанга хизмат қилиш, эл-юрт корига яраш, жамиятга наф келтириш, эзгуликлар билан яшаш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи. Буни дилдан ҳис қилган Каттақўрғон туманидаги "Каттаминг" чакана савдо корхонаси ходимлари аҳолига намунали савдо хизмати кўрсатиб, хайрли ишларга бош бўлишмоқда.

Ҳозирги кунда корхона таркибидаги 12 та савдо дўкони ҳудуддаги 30 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатиб келади. Аввало жамият маъмурияти ўз ишчи-ходимларининг ижтимоий муҳофазасига алоҳида эътибор қаратади. Қолаверса, янги иш ўринлари ташкил этиш, турли кичик корхоналар, янги цехлар қуриш ҳам корхона аҳлининг доимий иш режасига айланган. Жумладан, ўтган йили барча савдо дўконлари замонавий мебеллар билан жиҳозланди. Йил давомида аҳолига 950 тонна ун, 300 тонна ўсимлик ёғи ўз вақтида етказиб берилди. Эҳтиёжманд оилаларга эса ун ва ёг маҳсулотлари ёрдам тариқасида тарқатиб турилибди. Ишнинг тўғри ташкил этилиши натижасида 2008 йил соф даромад билан якунланди. Халқимиз даромадга яраша - буромад, деб бежиз айтмаган. Даромаднинг ошиши турли моддий ва маънавий кўмаклашишга имкон яратмоқда. Спорт ишлари, маданий ҳордиқ олиш, фахрийларга, ёлғиз ногиронларга мурувват кўрсатиш ҳам корхонанинг хайрли тадбирлари сирасига киради. Жумладан, Наврўз, Мустақиллик байрамларида ёлғиз кексаларга, ногиронларга байрам совғалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари улашилди.

- "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да амалга ошириладиган ишлар режаси улкан,- дейди корхона раҳбари Мамадали ака Узоқов. Қишлоқларимизда шарқона услубдаги дўконлар, овқатланиш шахобчалари қурилади. Намунали хизмат кўрсатиш даражаси янада оширилади.

БАНДЛИК ТИЗИМИ

Уч юзта меҳнат шартномаси тузилди

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини ошириш, нолегал меҳнат миграциясининг олдини олиш, ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Урганч шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 80 корхона ва ташкилот 900 дан зиёд бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

– Ўтган йили бир танишим даромадли иш топиб беришни ваъда қилиб, мени хорижга олиб борди, – дейди урганчлик Улуғбек Иброҳимов. – Унинг пул деб виждонсизлик қилишини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Мусофир юртда турли азоб-уқубатларни, инсон қадр-қимматини ерга урувчи камситишларни бошдан кечирдим. Етти ой оғир меҳнат қилдим. Ҳужжатларимни тортиб олиб қўйишган, юртимизга қандай қайтишни билмасдим. Оғир бетоб бўлиб қолгач, шу йилнинг январь ойида зўрға оилам бағрига қайтдим. Ҳозир соғлигим анча яхши. Меҳнат ярмаркасида «Иссиқлик манбаи» очиқ акциядорлик жамиятига назоратчи бўлиб ишга кирдим.

– Урганч тиббиёт коллежини ҳамширалик иши мутахассислиги бўйича тамомлаганман, – дейди Ирода Сафоева. – Бўш иш ўринлари ярмаркасида қатнашиб тўғри қилган эканман. Мана, мутахассислигим бўйича Хоразм вилояти ОИТС марказига ишга қабул қилиндим.

Шу куни тадбир давомида 300 нафар талабгор билан мутахассислиги ва касбий лаёқатига кўра меҳнат шартномаси тузилди.

ЎзА

МАЪНАВИЯТ

ЖАРАЁН

Дахлдорлик ҳисси

ислоҳотларга қанот бағишлайди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Минг йиллик тарихимиз шундан далолат берадики, қайси замонда илму фанга, маданиятга алоҳида эътибор қаратилган бўлса, ўша замонда тараққиёт бўлган, фаровонлик юз берган, халқнинг маънавияти юксак даражага кўтарилган.

Бошида муддаомизни воқиф қилиб, фикримизни ва эътирофимизни айтиб қўя қолсак. Ҳеч бир замонларда таълим-тарбияга, фан ва ижодга бугунги кундагидай эътибор бўлмаган. Ҳеч бир замонларда таълим-тарбия, фан ва ижод давлат сиёсатининг устувор вазифаси этиб белгиланмаган. Ҳеч бир замонларда мамлакат Юртбошиси таълим-тарбия, фан ва ижодни ўзининг биринчи вазифаси сифатида қарамаган.

Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат" деган фикрининг айтилганлигига қарийб бир аср бўлди.

Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат" деган фикрининг айтилганлигига қарийб бир аср бўлди. Шўролар даврида сохта ғояларга асосланган таълим тизими фаолият кўрсатаётган бир пайтда эркин фикрлайдиган, замонавий билимлар билан қуролланган ёш кадрларни тайёрлаш амалда мумкин эмас эди. Таълим-тарбия "ҳалокат-фалокат" ёқасида эди, бинобарин миллат "ҳалокат-фалокат" ёқасида эди. Ватан тушунчаси, миллат тушунчаси унутилаёзган эди. Миллатимизни, халқимизни ана шундай "ҳалокат-фалокат"дан Президентимиз сақлаб қолди. Мамлакат эндигина оёққа туриб келаётган, эндигина иқтисодий юксалишга чиқаётган бир пайтда қанчалик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий мураккабликларга қарамай, Юртбошимиз ташаббуси ва раҳбарлигида таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишдек ғоят муҳим ва мураккаб ишга киришилди.

Таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди. Қонун ва Дастур талабларини ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб белгиланди ва мантиқий уйғунликда уч босқичда амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, ёшларнинг билим олиши учун замонавий шарт-шароитлар яратилмоқда ва улар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда. Ҳозирга келиб ёшларимиз замонавий қурилган кўркам биноларда, энг замонавий кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган синф хоналарида, таълим-тарбия олмоқдалар. Замонавий билимлар ва технологияларни ўзлаштирмоқдалар.

Мамлакатда ёшларни жисмонан бақувват қилиб вояга етказиш, спорт билан шуғулланишини оммалаштириш мақсадида ҳатто чекачекка қишлоқларда ҳам муҳташам спорт мажмуалари бунёд этилди. Уларда йигит-қизлар спортчинг барча турлари билан шуғулланиш имкониятига эга бўлишди. Айниқса, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" уч босқичли тизим бутун дунёда эътироф этилмоқда. Унинг натижаларини спортчиларимизнинг халқаро миқёсда эришаётган ютуқларида кўришимиз мумкин.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш натижасида "ўрта-махсус касб-ҳунар таълими" деб аталган ноёб бир тизим шакланди. Умумтаълим, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимини ўз ичига олган 12 йиллик таълим тизимига ўтиш ишлари якунланди. 184 та замонавий лицей ва коллежлар барпо этилган бўлса, 1875 та мактабда янги қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Ҳозирга қадар касб-ҳунар коллежларида ва академик лицейларда иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари учун 700 мингдан зиёд ёш кадр тайёрланди. Шуни таъкидлаш лозимки, умумтаълим мактабларини битираётган ёшларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўла қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек, "бугун касб-ҳунар коллежларини, олий ўқув юртларини битираётган болаларимиз ҳеч кимдан кам эмас".

Шўро даврида умумтаълим мактабларининг моддий аҳволи ночор ҳолга келиб қолган эди. Айниқса, қишлоқ мактабларининг деярли барчаси емирилиш арафасида эди. Муҳтарам ўқувчиларнинг

Мактаб, таълим масканини қуриш энг савобли ишлардан биридир, азалдан одамлар ўчоқ бошига йиғилгандек мактабга йиғилиб, катта тадбирларни, халқ маслаҳатларини ўтказишган.

кўпчилиги бундай ҳолатни ўз кўзлари билан кўрганлар. Шаҳарлардаги, пойтахтимиздаги мактабларнинг деярли ҳаммаси ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермай қолганди. Бинобарин Президентимиз ташаббуслари ва раҳбарликларида умумтаълим мактабининг 2004-2009 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилди ва у ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда. Ўқитувчилар ва умумтаълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг сифат жиҳатдан мутлақо янгича усуллари жорий этилди.

Мактаб, таълим масканини қуриш энг савобли ишлардан биридир, азалдан одамлар ўчоқ бошига йиғилгандек мактабга йиғилиб, катта тадбирларни, халқ маслаҳатларини ўтказишган. Демак мактаб "таълим ўчоғи" бўлиши билан бирга одамларни бирлаштирадиган маскан ҳам бўлган. Мактаб, таълим масканини қуриш энг савобли ишлардан биридир, азалдан одамлар ўчоқ бошига йиғилгандек мактабга йиғилиб, катта тадбирларни, халқ маслаҳатларини ўтказишган.

таб қурган халқнинг дуосига, иззат икроми ва эҳтиромига сазовор бўлган. Ҳозир қайси бир қишлоққа борманг ҳатто олис-олис қишлоқларда ҳам мактаб, касб-ҳунар коллежлар бинолари қишлоқнинг кўрки бўлиб, ҳуснига-ҳусн, тароватига-тароват қўшиб турибди. Уларда фарзандларимизнинг билим, таълим-тарбия олишлари учун бугунги давр талабларига жавоб бера оладиган барча шароитлар яратилган. Бундан ёшу қари миннатдор бўлмоқда ва келажакка ишонч билан боқмоқда.

Олий таълим тизимида амалга оширилган ишлар алоҳида таъкидга лойиқдир. Илгари вилоятларда педагогика олий ўқув юртларидан ташқари олий ўқув даргоҳлари йўқ ҳисобидек эди. Ҳозирда мавжуд 65 та олий ўқув юртининг 32 таси бевосита жойларда фаолият кўрсатмоқда. Яъни олий таълим бевосита вилоятларимизга, қишлоқларимизга кўчиб борди. Бундан ташқари, давр талаби билан янги олий таълим муассасалари барпо этилди. Халқаро иқтисодчи ва дипломат кадрлар тайёрлаш вазифаси юклатилган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, шунингдек, ислом дини ва ҳуқуқий таълимоти бўйича мутахассисларни тарбиялаб етиштирувчи Тошкент Ислом университети ташкил этилди. Президентимизнинг Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Қарори ҳам ёш авлодни тарбиясига қаратилган яна бир ғамхўрликнинг амалий тасдиғидир. Бу борада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар эса ҳозирданоқ ўз самарасини бермоқда.

Жумладан, кимё фани бўйича Тошкентда ўтказилган Халқаро Менделеев олимпиадасида ўқувчиларимиз 13 та медални қўлга киритиб, биринчи ўрин соҳиби бўлгани ёки Испанияда 97 та мамлакат ўртасида ўтказилган математика олимпиадасида 4 та совринли ўринни олишга эришгани, Франция ва Италияда бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловнинг мусиқа йўналишида юқори ўринларни эгаллаб, Ватанимиз байроғини баланд кўтаришгани фикримиз тасдиғидир. Бу эса мамлакатимизда таълим-тарбия ва илм-фан ривожи қанчалик салоҳиятга эга эканлигидан далолат беради. Таълим тизимини ислоҳ қилиш бизга нималар берди? Ёшлар замонавий билимга эга бўлиб, уларнинг онги ва дунёқараши ўзгарди, энг муҳими ёшлар онгида ўзига, келажакка ишонч туйғуси пайдо бўлди. Ёшларда мамлакатда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга бефарқлик эмас, балки дахлдорлик ҳисси пайдо бўлди. Ёшларда билим олиш эҳтиёжи кучайди, уларда диплом учун эмас, балки малакали мутахассис, ўз касбининг устаси бўлиш, ҳаётда ўрнини топиш, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга интилиш шакланди. Ёшлар қалбида Ватан туйғуси кучайди, шу Ватан менинки, шу Ватанни обод этиш менинг вазифам деган бурч ва масъулият уйғонди.

ТАРБИЯ ОМИЛИ

Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият-енгилмас куч" асарида "Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим ҳаётий омил - бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғликдир. Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган. Албатта, таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди"- дея таъкидлаган эдилар.

Гўзалликка интилиш

кишини маънавий камолотга етаклайди

Зулхумор РАҲИМЖОНОВА,
Ўрта махсус касб-ҳунар таълими аълочиси

Юртимиз равнақи ва Ватан тараққиётига хизмат қиладиган жисмонан бақувват, етук, маънавияти юксак шахсларни тарбиялаш мустақилликка эришган илк кунларданоқ устувор вазифа қилиб белгиланди. Маънавий баркамол инсонларни тарбиялаш энг муҳим вазифа экан, унинг асосий илдизи, қон томири бўлмиш эстетик маданият ва маърифат сифатини янада оширишга эҳтиёж сезамиз. Боиси, маънавият ва эстетик маданият кишида мустақил фикрлашни шакллантиради. Бу эса инсоннинг ўзлигини англаши, халқнинг маданий мероси, санъат ва бадиий бойликларини билиши ва қадрлашига хизмат қилади. Зеро, маънавий баркамоллик ва ахлоқий гўзаллик бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, у эстетик эҳтиёж замирида ривожланади.

Илм-фан ва санъат кишида гўзал ахлоқий фазилатларни тарбиялашга ёрдам берувчи асосий восита ҳисобланар экан, бугунги глобаллашув жараёнида ёшларимиз таълим-тарбиясида эстетика фанига бўлган зарурат кучайди. Ўтган йиллар давомида бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди. Бироқ олдимизда қилиниши керак бўлган талай ишлар ҳам бор.

Мустақил мамлакатимизнинг олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртларида, шунингдек, академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежларида эстетика фани бўйича махсус курс ташкил этилганига анча вақт бўлди. Бу даврда мазкур фан, унинг мақсад ва вазифалари хусусида муайян тасаввур шакланди. Маълум маънода уни ўқитиш самарадорлигини ошириш юзасидан услубий педагогик қарашлар тизими яратилди. "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури олдимизга қўяётган талабларга мувофиқ бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни янада фаоллаштириш талаб этилади. Чунки халқаро андозалардаги бу ҳужжатлар таълим тизими зиммасига дунё миқёсида халқимиз номидан баралла сўз айта олиш, мамлакатимиз шаънини улуғлашдек вазифани юклайди. Ўқувчилар эстетика фанини билиш орқали бутун инсоният, дунё халқлари, жумладан халқимизнинг бой маънавий меросига оид билимлар билан чуқур танишиш имконига эга бўлишади. Аждодларимизнинг илм-фан тараққиётига, Ислом маданияти ва таълим-тарбияга қўшган беқиёс ҳиссаларини ўрганиб, миллий маънавий меросимиздан фахрланиш туйғуси ўсади, қадриятлар ҳамда урф-одатларимизга онгли муносабат шаклланади. Бу ўз навбатида айниқса ёшларни миллатимизга ёт ғоя ва оқимлардан ўзини ҳимоя қила олишида муҳим аҳамият касб этади. Юнон муаррихи Помпей Троннинг Ўрта Осиё халқлари ҳақида "Қадимийликда улар мисрликлар билан баҳслашадилар", деган таърифидан заминимизда эстетик маданият жуда қадимдан тараққий этганини билишимиз мумкин. Минг йиллик ўтмиш қаридан садо берувчи археологик топилмалар, меъморчиликнинг ноёб намуналари, санъат, адабиёт дурдоналари буни яққол исботлаб турибди.

Мазкур фаннинг зарурати шундаки, жамиятимизнинг ҳозирги босқичида инсоннинг эстетик онгини юксалтириш, кишида маънавият асосларини шакллантириш вазифаси билан узвий боғлиқ. Чунки, халқнинг эстетик маданиятини кўтармасдан туриб, унинг маънавий маданиятини такомиллаштириш қийин.

Бугунги кунда эстетика турмушимизнинг барча соҳаларига кириб борди, десак янглишмаймиз. Эстетика ва ишлаб чиқариш, техника эстетикаси, дизайн, табиат эстетикаси, меҳнат ва нафосат, турмуш эстетикаси шулар жумласидандир.

Гўзалликка интилиш инсоннинг доимий эҳтиёжидир. Бу эҳтиёж тарбия воситасида шакланади, гўзаллик қуршовида яшаган инсон билан унинг акси бўлган муҳитда ўсган инсон ўртасидаги фарқ яққол кўзга ташланади. Гўзалликка интилиш кишини маънавий камолотга етаклаб, эстетик ҳис-туйғуларини ривожлантиради. Фарзандларимизни эстетик идрокли қилиб тарбиялаш муаммоларини ҳал этишда оиладаги тарбия муҳим роль ўйнайди. Чунки халқимизга хос бўлган урф-одат ва анъаналар, миллий қадриятлар бола қалбига бешикданоқ синга бошлаб, оила муҳитида уларга нисбатан ҳурмат ва эътиқод ҳиссини шакллантириб боради. Ана шундай тарбиянинг таъсири ёшларни миллатимизга муносиб ворислар этиб тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

МАЪНАВИЙ МАСКАНЛАР

Музей янада кенгаяди

Бунга экспонатларни сотиб олиш учун давлат томонидан маблағ ажратилаётгани бош омил бўлмоқда

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
жамоатчи мухбир

Жиззах вилоятининг марказдан узоқда жойлашган, тоғ оралиғидаги қишлоқларида бўлсангиз, қўлингизга ота-боболаримиз бир пайтлар ясаган обдасталардан илиқ сув қуядилар. Таом еб бўлингач, меҳмонхонага ёш бола елкасида сочиқ, қўлида дастжўй билан қўлингизни ювдириб чиқади. Бу ҳолатни кўргандан кейин тоғдаги ватандошларимизга меҳрингиз ўн чандон товланиб кетади. Улар меҳмон хурсанд бўлсин деб шундай қиладилар. Меҳмонни атойи худо дейдилар...

Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Жиззах вилояти ўлкашунослик музейи кўргазмалар залидаги экспонатлар орасида обдаста, дастжўйларни кўриб шу нарсалар эсимга тушиб кетди. Бу ерда булардан ташқари мисдан ясалган кўзалар, қандолат маҳсулотлари қилинадиган тоғоралар, келилар, чархлар, заргарлик, тўқимачилик буюмлари ҳам тартиб билан изоҳланиб териб қўйилган. Кўргазмалар залини айланар экансиз, топилма - тарихда остадон деб аталган, одам бўйи баравар VI асрга мансуб хумлар олдида тўхтаб қоласиз. Уларнинг ичида одам суяклари бор. Мозий билан тўқнашиб хаёлларга чўмасиз.

- Аждодларимиз табиатга зиён келтириш, унинг қонунларини бузишни катта гуноҳ деб билганлар,- изоҳ беради ўлкашунослик музейи раҳбари Амир Омонжўлов. - Одам жасади билан кўмилса тупроқ ифлосланади, дейишган. Шунинг учун ҳам ҳалок бўлганларни ёввойи ҳайвонларга, қушларга едиришган. Кейин топ-тоза суякларни мана шундай хумларга солиб, дафн этганлар.

Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди. Бир минг олти юз йил илгари бўлган ҳолатни изоҳлаб турган бу тилсиз осори-атиқалар бир нарсани, ҳа-ҳа биз учун асосий маълумотни исботлаб турибди. Бизнинг аждодларимиз инсоният цивилизациясининг бешигини тебратганлардан. Ўзларидан шундай қимматли маълумотлар қолдириб, табаррук тарихимизни бойитиш имконини бермоқдалар. Музейда бундай экспонатлар анчагина. Улар ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Уларга қараб қадимда Дизак деб аталган кентнинг Усрушона давлатининг муҳим стратегик қалъаси эканлигига имон келтирасиз. Ўнинчи асрда қурилган бу қалъа ўзидан бой тарихий маълумотлар қолдирганини мана шу музейга келиб билишингиз мумкин.

- Музейимизда 19 минг экспонат бор,- деб суҳбатимизга қўшилади музей ходими, тарихимиз жонкуяри Рустам Тўхтамишев. - Биз уларни вилоятимиз ҳудудларидан қидириб топганмиз. Уларнинг энг ноёби - Остадон бундан 4 йил илгари Жиззах туманидаги Сўлоқли қишлоғидан топилди. Топилмани музейга авайлаб келтириб таъмирладик. Ҳозир у ҳақда меҳмонларга маълумот бераяпмиз.

Ўтган йили музейни 25 минг нафар киши келиб кўрди. Демак 25 минг фуқаромиз ўз тарихининг изларини излади, унинг гардларини кўзига суртди. Кўксида фахр ва ифтихор ҳислари уйғонди. Айниқса, вилоят ҳудудида жойлашган олий ўқув юртлари, коллежлар талабалари, мактаб ўқувчилари бу ерга келиб, отабоболарининг мероси билан танишгани, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олганини айтиб берганларида Ватанга муҳаббат туйғуси шу жойда шаклланаётган экан, деган хулосага келдик. Музейнинг вилоятдаги 8 та филиалларида ҳам мана шундай маънавий-маърифий ишлар йўлга қўйилган. Музей жамоаси кўргазмалар залини ноёб экспонатлар билан бойитишга катта эътибор билан қарамоқда. Ўтган йили Бахмал ва Зомин туманлари ҳудудидан 480 та тарихимизга оид экспонатлар олиб келдилар.

Президентимизнинг республикада музейлар фаолиятини янада ривожлантириш борасидаги ғамхўрлиги туфайли экспонатларни янада кўпайтириш имконияти туғилди: аҳолидан тарихга оид буюмларни сотиб олиш учун маблағга эга бўлдилар.

Музей жамоаси ўзининг имкониятларини ишга солиб, кўчма кўргазмалар ташкил этаяпти. Улар вилоят туманларида бўлишиб, жойларда тарих ихлосмандларига экспонатларни намойиш этмоқдалар. Мактабларда тарих дарслари, музей экспонатлари асосида ташкил этилмоқда. Экскурсоводлар бор билим ва тажрибаларини ишга солиб тарихимизга, Ватанимизга бўлган муҳаббат туйғуларини шакллантирмоқдалар.

- Бу обдасталарга қуйилган сув совимайди,- деганди Бахмаллик шифокор Тошпўлат Бекмуродов. - Кўзаларда эса булоқ сувлари илиб қолмайди. Мис кўза, хумларга солинган маҳсулотларни сифати узоқ вақтгача бузилмайди.

Умрбоқий осори-атиқаларимизнинг бу хусусиятлари бугунги кунда ҳам эътибордан четда қолган эмас. Жиззахлик кулолчилар ота-боболаримиздан қолган меросга содиқ қолиб музейга келиб, тарихий обидалардан нусхалар олишаяпти. Уларнинг хусусиятларини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқдалар.

Юртбошимизнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилган 2009 йилда музей жамоаси янги режаларни кўзламоқдалар. Кўргазма залларини янги экспонатлар билан безатиш, меҳмонларга улар ҳақида кенгроқ маълумот бериш, бу жойнинг ҳамиша ёшлар билан гавжум бўлишини таъминлаш, ўқув даргоҳлари билан янада мустаҳкам алоқа боғлаш уларнинг асосий вазифалари сирасига киради.

Бу ерда ибтидоий жамоа даврида кашф этилган қуроллар, остадонлар, шоҳларга тегишли анжомлар, кулоллар ясаган кўзалар, ҳеч нарсага алмашиб бўлмайдиган осори-атиқалар бор. Қуёш томчида акс этганидай, ана шундай сержило камалакнинг бир қиррасини Жиззах музейида кўрдик.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

БИЗНИНГ ШАРҲ

Беҳбуд БОТИРОВ

Экология ва трансчегаравий сувлар

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичи глобаллашув жараёнларининг жадал ривожланиши орқали кузатилмоқда. Мазкур жараёнда инсоният турли глобал муаммоларга рўбарў келмоқдаки, булар орасида айниқса, экологик муаммоларнинг глобал тус олиши инсоният келажагига дахл қилмоқда. Шимолий муз океани, Гренландия ороллари, дарёлар тўйинадиган музларнинг шиддат билан эриши, довул, бўрон, ер кўчиши, сув тошқини каби катаклизмларнинг кўпайиб ва кучайиб кетиши ижтимоий-иқтисодий муаммоларни кескинлаштирмоқда.

Янги минг йилликнинг бошланиши, асосан, икки муҳим омил билан тавсифланади. Биринчидан, янги цивилизациянинг экологик муаммоларга юзма-юз келиши (иқлим ўзгариши, озон қатламининг емирилиши, тоза ичимлик суви билан етарли таъминланмаслик ва унинг ифлосланиши, биохилма-хилликнинг йўқолиб кетиши ва ҳ.к), иккинчидан, дунёнинг тез суръатларда ўзгариб боришидир. Шу сабабли бугунги кундаги экологик вазиятни кечаги эски назариялар билан холис баҳолаб бўлмайди.

Бунга сабаб – инсон фаолиятидир. Энг аввало водород газларнинг афмосферага кўп чиқарилиши, табиат бойликларининг шафқатсизларча эксплуатация қилиниб, фақат моддий манфаатдорлик орқасидан қувиши оқибатида келиб чиқмоқда. Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Уларни ҳал этиш фақат бир мамлакат доирасида чекланиб қола олмайди. Бундай муаммолар ер юзининг ҳамма бурчакларида ҳам долзарб, фақат унинг кескинлик даражаси турли мамлакатлар ва минтақаларда турлича. Жумладан, бу муаммо Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмаган.

Ҳозирги кунда атроф-муҳит муҳофазаси, экология масалалари бутун жаҳон, хусусан, юртимиз фуқаролари олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Иқлим ўзгаришининг глобал ва минтақавий сабаблари ҳамда оқибатларини ўрганиш ва бундай экологик муаммоларнинг олдини олиш мамлакатимиз олимлари ва мутахассисларининг доимий эътиборида. Асосий қонунимиз – Конституциянинг 50-моддасида фуқаролар атроф-муҳит, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур эканликлари таъкидланган. Юртимизда ўтган давр мобайнида экологик муаммоларни бартараф этиш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда. Заминимизни ультрабинафша нурларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган озон қатламини емирилишдан сақлашда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда қабул қилинган «Озон қатламини ҳимоя қилиш соҳасидаги шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорлари муҳим дастуриламал бўлаётир.

Мана, башарият учинчи минг йиллик билан ҳамнафас яшамоқда. Она заминимиз эса унга хизмат қилишдан тўхтагани йўқ. Лекин ундаги ресурсларнинг қанча муддатга етишини ҳеч ким билмайди. Шуниси аниқки, кейинги йилларда инсонларнинг Ердаги ресурсларга бўлган эҳтиёжи тобора ортмоқда. "The Times" газетасининг хабар беришича, охирги 20 йил ичида табиий ресурслардан фойдаланиш тезлиги "Инсониятни яшаб қолиш чегараси"га олиб келди. БМТ учун махсус ўтказилган экологик текширувлар натижаси шуни кўрсатдики, айни пайтда ҳар бир инсон учун сайёрамиз бера оладиган ресурс миқдорига нисбатан уч баробар кўпроқ талаб этилаётган экан. Кейинроқ бу кўрсаткич яна ошиши мумкинлигини ҳисобга оладиган бўлсак, юзага келган муаммо кўламини тасаввур қилиш қийин бўлмайди.

Бунинг устига дунё миқёсидаги экологик хавф вужудга келди: бу хавф ер юзи иқлимининг назорат қилиб бўлмайдиган ўзгаришлари ва стратосферадаги озон қатламининг емирилишидир. XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб ҳавода фуон газларининг миқдори кўпайганлиги кузатила бошлади. Бу газлар 25 км. баландликда жойлашган озон қатламини емира бошлади, маълумки озон қатлами қуёшдан келаётган зарарли ультрабинафша нурларини тутиб келади. Озон қатламини емирилиши натижасида туйнук ҳосил бўлади. Мазкур туйнукдан ер юзасига ультрабинафша нурларининг кириб келиши донли экинлар ҳосилини кескин камайтириб юбориши, одамларнинг тери раки касаллаликларига чалинишларига сабаб бўлиши аниқланган.

Чўллашиш: ҳозирги пайтда чўллашиш жараёни, яъни ҳосилдор ерларнинг, яйловларнинг чўлга айланиши табиий ва сунъий омиллар таъсирида содир бўлмоқда. Табиий омилларга асосан қурғоқчилик киради. Саноат ва қишлоқ хўжалиги юқори даражада ривожланган ҳудудларда табиат ва жамиятнинг ўртасидаги ўзаро таъсирнинг кескинлашуви оқибатида минтақавий экологик муаммолар табиий муҳитни кескин ўзгартириб аҳоли саломатлигига таъсир этмоқда. Ҳозирги пайтда ҳудудий экологик муаммолар Ўрта, Қора, Азов, Болтиқ, Шимолий, Кариб денгизлари ҳавзаси, Форс кўрфази, Каспий ва Орол денгизлари, Байкал, Балхаш, Ладога, Онега, Чад, Буюк кўллар ва бошқа ҳудудларда мавжуд.

Собиқ шўролар замонида асоссиз лойиҳалар ишлатилиши, "план"нинг орқасидан қувиш оқибатида юзага келган Орол муаммоси юртимизда саҳроланиш жараёни жадаллашишига сабаб бўлмоқда. Осиё қитъаси учун энг катта экологик фожиа Оролбўйи ҳавзасидаги аҳволдир. Орол муаммоси бугун нафақат Қозоғистон ёки Ўзбекистон учун, балки бутун қитъанинг оғриқли нуқтасига айланди, дейиш мумкин. Ушбу вазиятни барқарорлаштириш мақсадида мамлакатимиз 1995 йилдаёқ БМТнинг Чўлланишга қарши кураш конвенциясига қўшилган эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси унинг миллий ижрочи агенти ҳисобланади. Олимларимиз ва мутахассислар Оролбўйидаги нохуш экологик вазиятни барқарорлаштириш, Қизилқум ва Қорақумда қум барханлари кўчишининг олдини олиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, аграр тармоқда илғор технологияларни қўллаш бўйича самарали илмий тадқиқотлар ва амалий чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Марказий Осиё минтақасида муҳим геосиёсий вазифалардан бири бу – сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишдир. Бу ерда гап минтақа мамлакатларининг сув ресурслари ҳақида эмас, балки фақат трансчегаравий дарёлар ресурслари ва сув оқимларидан фойдаланиш, яъни ушбу дарёлар ҳавзасида жойлашган давлатларнинг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини ундан фойдаланишда БМТ конвенциясига амал қилинаяптими?



Ўзбекистоннинг нуқтаи назари аниқ – трансчегаравий дарёлар ҳавзаларидаги ҳар қандай кенг кўламли қурилиш сувдан фойдаланувчи давлатлар билан келишилган бўлиши керак. Бу фақат бизнинг давлатимиз талабигина бўлмай, у БМТнинг тегишли конвенцияларида белгиланган халқаро ҳуқуқий меъёрдир.

асрлар давомида қондириб келган дарёлар ресурслари ҳақида бормоқда.

Мазкур масала бугунги кунда минтақадаги олти давлатда яшаётган 50 миллиондан ортиқ кишининг манфаатларига дахлдор. Шу боис бу дарёлар оқимларидан фойдаланишга доир барча қарорларни қабул қилишда, жумладан гидроэнергетика иншоотларини барпо этишда ушбу манфаатлар албатта инобатга олиниши даркор. Акс ҳолда, бу Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисмларида сув таъминоти масаласини янада мураккаблаштириши, қуриб бораётган Орол денгизининг экологик таназзулини тезлаштириши, Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистоннинг ўн миллионлаб аҳолисининг бу ердаги ҳаётни оғирлаштириши мумкин.

БМТнинг 1992 йил 18 сентябрда қабул қилинган "Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги конвенцияси, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1997 йил 21 майда қабул қилинган "Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида"ги конвенция "трансчегаравий сувлардан оқилона ва адолатли фойдаланиш, бу борада трансчегаравий таъсир кўрсатадиган ёки кўрсатиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширишда уларнинг трансчегара хусусиятини алоҳида ҳисобга олиш зарурлиги"ни кўриб чиқишни талаб қилади. БМТ қарорларида "ҳудудидан сув оқиб ўтадиган давлатлар суверен тенглик, ҳудудий яхлитлик, ўзаро манфаатдорлик ва ҳалоллик асосида ҳамкорлик қилиши" зарурлиги таъкидланган. БМТ Конвенцияларининг ушбу асосий талабларидан келиб чиққан ҳолда, трансчегаравий дарёлар ҳавзасида қуриладиган янги гидротехник иншоотларнинг техник-иқтисодий асослари бетараф халқаро аудиторлик ташкилотлари томонидан муқаррар тарзда холисона текширилиши лозим.

Ўзбекистон сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш тарафдори. Айни пайтда у янги гидроэнергетик иншоотлари қурилишида иштирок этиши ҳам мумкин. Фақат бунинг учун гидроэнергетик иншоотлар лойиҳалари батафсил халқаро экспертизадан ўтган бўлиши, бу ишга малакали мутахассис сувсозлар, эколог олимлар ва сейсмологлар жалб этилган бўлиши керак. Бунда улар томонидан иккита муҳим жиҳат ўз тасдиғини топиши шарт: Сирдарё ва Амударё оқими ҳажми ва режими ўзгаришсиз қолади ва чегарадош давлатлар суғориш учун сувни вегитация даврида ва керакли ҳажмда олиш имконига эга бўлади, қолаверса, янги лойиҳалар минтақадаги экологик вазиятнинг оғирлашишига олиб келмайди.

Ўзбекистоннинг нуқтаи назари аниқ – трансчегаравий дарёлар ҳавзаларидаги ҳар қандай кенг кўламли қурилиш сувдан фойдаланувчи давлатлар билан келишилган бўлиши керак. Бу фақат бизнинг давлатимиз талабигина бўлмай, у БМТнинг тегишли конвенцияларида белгиланган халқаро ҳуқуқий меъёрдир.

● "Экология" атамаси баъзида "Жамият", "Оила", "Инсон", "Саломатлик" каби сўзлар билан биргаликда ишлатилади. Экология атамасини фанга биринчи марта 1866 йилда немис биологи Эрнст Геккел киритган. Бу сўз (юнонча ойкос-уй, яшаш жойи, маскан, логос - фан) ўз мазмунига кўра, "уй ҳақидаги, ўзининг яшаш жойи ҳақидаги фан" деган маънони англатади.

● "Илгари табиат инсонни қўрқитар эди, энди инсон табиатни қўрқитмоқда"
Жак Ив Кусто, машҳур француз океаншуноси

● Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси онгида табиатни табиий ҳолда асраш, келажак авлодларимизга соф ҳолича етказиш маданиятини юксалтириш бугунги куннинг муҳим вазифасига айланмоғи керак. Зеро, табиатни асраш - уни қўриқлаш ва ҳимоялашдан афзалдир.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Ёнғин айбдори аниқланди

Австралияда мамлакат тарихидаги энг йирик ўрмон ёнғини – қарийб 200 кишининг ҳаётига зомин бўлган офат айбдори аниқланди.

Олиб борилган тезкор қидирув ва суриштирув ишлари натижасида ҳуқуқ-тартибот органлари минглаб одамларни бошпанасиз қолдирган ўрмон офатини келтириб чиқарган шахсни аниқлашди. Бу Виктория штати фуқароси 39 ёшли Брендан Сокалук. Агар унинг айби ўз тасдиғини топадиган бўлса, Бренданни 15 йилдан 25 йилгача қамоқ жазоси кутади. Аммо у ўзига қўйилган барча айбларни рад этмоқда.

Муассасалар камайтирилади

ИТАР-ТАСС агентлигининг хабарича, Россия таълим ва фан вазирлиги олий ўқув юртлари сонини кескин камайтириш ниятида эканлигини маълум қилган.

Вазирлик раҳбари Андрей Фурсенконинг айтишича, мавжуд мингга яқин олий таълим муассасаларидан фақат 50 та университет ва яна 150-200 та бошқа олий ўқув юртлари қолдирилиши керак. Қолгани ё филиалларга, ё техникум ва билим юртларига айлантирилади. Энг "куч"сиз муассасалар эса бутунлай ёпилиши режалаштирилмоқда. Қисқартирилувчи олий ўқув юртлари рўйхатига биринчи бўлиб кундузги бўлимларида 10 минг нафардан кам талаба таҳсил оладиган масканлар тушиши таъкидланган. "Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кундузги бўлимларида талабалари кам бўлган олий мактаблар, қоидага кўра, яхши моддий базага эга эмас, ўқув жараёнини ҳам юқори даражада ташкил этолмайди", - дейди жумладан Россия таълим академияси вице-президенти Виктор Болотов.

Қолган мезонлар қаторида абитуриентларнинг ягона давлат имтиҳонларида олган баллари саналиши мумкин. Мутахассислар агар олий ўқув юрти "уч"га ўқийдиган талабаларни қабул қилса, у нима учун керак, деган фикрда. Қолаверса, айни пайтда олий ўқув юртлари филиаллари сонини ҳам икки бараварга қисқартириш масаласи кўрилмоқда. Бу борада вазирлик аллақачон иш бошлаб юборган.

"Қизил сайёра" ҳаёти

Марсдан ҳаёт манбаи - сув топилиб, инсониятда янги умидлар уйғонаётган бир пайтда "Феникс" космик аппарати Қизил сайёра тупроғидан кучли оксидловчи модда топди.



Ҳозир Марсни кезиб юрган аппарат олинган тупроқ намуналарини бир ой давомида ўзининг кимё лабораториясида текшириб, унинг таркибида перхлорат мавжудлиги ҳақида маълумотлар жўнатган. Ушбу модда Марсда ҳаёт бўлмайди, дейиш учун асосдир. Ҳозирда космик аппарат мазкур моддани сайёрага ташқаридан келиб қолмаганлигига ишонч ҳосил қилиш учун қўшимча текширувларни амалга оширмоқда. Аввалги таҳлиллар Марс тупроғида ҳаёт пайдо бўлиши учун зарур бўлган магний, натрий, хлор борлигини кўрсатган эди. Аммо, янги топилган оксидловчи модда олимларнинг барча умидларини пучга чиқариши мумкин.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

РАНГИН ДУНЁ

Наргиза ХУДАЙБЕРГАНОВА

Такрорланмас ва ўзгача маданият

Зангори экран орқали намойиш қилинаётган корейс халқи тарихига оид сериалларни жуда кўпчилик мароқ билан томоша қилмоқда. Яқинда бир сериални зўр қизиқиш билан томоша қилдим. Сериал Корея тарихи, маданияти ва урф-одатларини тўла-тўкис очиб бера олган. Корейс аёлларининг шоҳона, товус каби товланадиган либосларига-ку гап йўқ. Аммо, эътиборимни тортган бошқа бир жиҳат ҳам бор. Оилада ота-ўғил ўртасидаги муносабатни назарда тутяпман. Шуни англадимки, корейс оиласида ҳам худди бизникидек отанинг ҳурмати ниҳоятда баланд. Рости, одоб-ахлоқ борасида биз ҳам корейслардан қолишмаймиз. Ҳатто, турмуш тарзимизда ҳам ўхшашликлар бор. Шунданми, корейс сериалларини оила даврасида томоша қилишни ёқтирамиз.

Яқинда интернет орқали Корея маданияти ва давлатчилигига оид қизиқарли бир материални ўқиб қолдим ва шу манба асосида мақола ёзиш иштиёқи туғилди.

Маълумки, ҳар бир миллат ёинки ҳар бир давлатнинг шаклланишида ўзга халқларнинг таъсири бўлади. Бироқ, шунга қарамай ҳар бир миллатнинг урф-одатлари, миллий қадриятлари бирбирини такрорламайди. Шу маънода, Корея ҳам асрлар давомида турли хил даврларни бошдан кечирган. Лекин ҳар қандай тазйиқ ва босимларга қарамасдан корейслар қадимги анъана ва урф-одатларини сақлаб қолишган. Шунданми, ўз гўзаллиги ва моҳиятини йўқотмаган корейс удумлари асрдан-асрга авлодларга мерос бўлиб ўтмоқда.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, энг қадимги ва бизгача етиб келган корейс маданиятининг тарихи бронза асри, ҳатто неолит даврига оид экан. Бунга Ульсан қоясида акс эттирилган одам ва ҳайвонларнинг ўйма тасвирлари ҳамда қазилма ишлари чоғида мамлакатнинг турли ерларидан топилган, лойдан ясалган ва тошга ўйилган тасвирлар, диний маросимларда фойдаланиладиган буюмлар далил бўла олади.

Илк кишилик жамияти шаклланаётганида ҳам корейс халқи ўзининг соддадиллиги ва қатъияти билан ажралиб турган. Буддавийлик дини кириб келгани сари корейсларнинг дунёқарашида ҳам кескин ўзгаришлар рўй бера бошлайди. Когурё, Пэкче ва Силла даврларида буддавийлар ибодатхоналари ва буддалар сиймоси яратилади. Ҳатто, Сосан қоясида бугунги кунгача сақланиб қолган энг қадимги Будданинг рамзини кўриш мумкин. Силла давлати даврида шоҳона тақинчоқлар ясаш, белбоғларга металлдан ишлов бериш урфга киради. Ўшанда қиролнинг олтин тожи юксак маҳорат билан ишланган. Шунингдек, қадимий ибодатхоналар ҳам ҳашамдорликда шоҳ саройларидан асло қолишмасди. Асосан, бронзадан ясалган қўнғироқлари ўзининг ҳажми ва жарангдор овози билан бошқалардан ажралиб турган. Энг катта ва бугунги кунга қадар сақланиб келаётган қўнғироқ VIII асрга тааллуқли бўлиб, у "Сондок шоҳининг илоҳий қўнғироғи" деб аталади.

Ҳозирга қадар ўз чиройи ва асл кўринишини йўқотмаган ибодатхона (Пульгукс Силла қироллиги даврининг пойтахти Кёнчу шаҳрида бунёд этилган) Кореянинг муқаддас қадамжоларидан биридир. Силла қироллигининг шоҳи Попхин будда динини қабул қилгач, эрамиздан аввалги 514 йилда салтанатининг гуллаб-яшнаши ва тараққий этишини истаб будда худоси шарафига кичикроқ ибодатхона қурдиради. Пульгукс ибодатхонаси ортида, ғорда жойлашган Соккура ибодатхонаси ҳам корейсларнинг мўътабар зиёратгоҳи ҳисобланади. 1995 йилдан бошлаб ушбу ибодатхоналар жаҳон маданиятига ҳисса қўшган тарихий ёдгорликлар қаторидан ўрин олиб, ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.

Корея меъморчилиги асосан икки йўналишни ўз ичига олади. Қадимги корейс меъморлари шоҳона қаср ва ибодатхоналарни қуришда пойдевор ва ёғоч тўсинларга таянган бўлса, оддий халқ ўзи учун қамишдан уй қурган. Асосан ёғоч тўсинлардан қурилган Пусокс ибодатхонасидаги Мурянсучон ("Умрбоқий меҳмонхона") биноси Корё салтанати даврида қурилган. Корея сўзи ҳам шу Корё сўзидан келиб чиққан.

Чосон салтанати даврида корейсларнинг ихтирочилик қобилияти юксак даражада тараққий этади. Шу даврга келиб, кулолчиликка ҳам асос солинади. Айниқса, оқ чинни ишлаб чиқариш ва керамик идишлар тайёрлаш механизми янада такомиллашади. Ўшанда оқ чинни корейсларнинг наздида олийжаноблик, улуғворлик ва саховат рамзи бўлган тўрт ўсимлик — олхўри гули, бамбук, хризантема ҳамда нилуфар гуллари билан безатилар эди. Буддавийлик чуқур илдиз отгани сайин ихтирочилик, санъатда ҳам катта ютуқларга эришилган. Корейсларда бу давр "олтин аср" номини олган.

Чосоннинг тўртинчи қироли Сечон ҳукмронлиги даврида Корея маданияти тубдан ўзгаради. Қирол академияси олимлари "хангил" — корейс алфавитини яратишади. Айтишларича қирол Сечон астрономияга жуда қизиқкан экан. Шу боис, унинг раҳнамолигида қуёш ва сув соатлари, юлдузлар харитаси ишлаб чиқилган. Илк металл шрифтлар, ёғоч тўсинлар ёрдамида ҳарфларни босиб туширадиган дастлабки қурилмалар ҳам VIII асрда корейслар томонидан кашф қилинган.

Корейс халқи азал-азалдан табиатни қадрлаб, унинг гўзаллигини тараннум этувчи боғуроғлар яратишга қизиққан. Бетакрор гўзаллиги билан кўпнинг кўзини қувонтириб келаётган қадимги сарой боғларидан бири - Чхандоккун боғи корейсларнинг фахри ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, бу боғларда Кореянинг ўтмиши ва бугунги руҳиятини ҳис қилиш мумкин.

Тарихдан яхши маълумки, гулларни қуритиб улардан гербарий ясаш санъати илк бор Европада, кейин Японияда авж олган. Аммо бу санъат Кореяда саноатнинг бир йўналиши сифатида тараққий этган. Албатта, шу ўринда Корея женьшени(одамгиёҳ) ҳақида гапирмасликнинг ҳеч иложи йўқ. Кореяда женьшень азал-азалдан ўзгача меҳр ва иштиёқ билан ўстирилади. Шарқ табобатида асосий доривор сифатида қабул қилинган женьшенни корейслар кўпроқ тиндирма ва чой сифатида истеъмол қилишади. Миллий анъаналарга кўра бу доривор ўсимлик яшаш учун муҳим бўлган органлар— асаб ва юрак тизимини даволашда яхши самара беришини корейслар билишган.

Хуллас, корейс маданияти ҳақида билган, эшитган ва ўқиб-ўрганган маълумотларим шу эди. Сўзимни чиройли хулоса билан якунлашни лозим топмадим. Чунки, неча асрлардан бери ўзлигини унутмаган, аждодлар меросига содиқ қолган, қатъиятли, жасур ва меҳнатсевар халқ ортиқча эътирофга асло муҳтож эмас.

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ

Оқ теракми кўк терак, бизга болалар ўйинлари керак

Асрор МЎМИН

Азалдан халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари кишилар саломатлигини мустаҳкамлашда, болалар қобилиятини ривожлантиришда беназир восита бўлиб келган. Чунки халқ ўйинлари кундалик эҳтиёжлардан келиб чиққан ва болаларга ўргатилган. Чунончи, мерганлик ва ёйандозлик ёввойи ҳайвонларни овлашда, подачи ўйини — чорвадорликда фойдаси теккан. Чақимтош каби ўйинлар қизларнинг қўлларини чаққон ва аниқ ҳаракатланишига кўникма ҳосил қилиб, яхши чевар, пазанда бўлишига ёрдам берган. Кураш, қиличбозлик, чавандозлик каби ўйинлар эл-юртнинг ботир ҳимоячиларини тарбиялаган.

Шукрки, мустақиллик йилларида баркамол авлодни тарбиялашнинг энг муҳим, энг оммабоп воситаси бўлган халқ ўйинлари ва миллий спорт турларини янада ривожлантиришга киришилди. 1991-1993 йилларда Жиззах вилоятининг Фориш туманида халқ ўйинлари сайли ўтказилди. 1994 ва 1996 йилларда шу масканда халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари бўйича республика мусобақалари ташкил қилинди. Уларда унутилаёзган халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари кенг намойиш этилди, айримлари бўйича мусобақалар уюштирилди.

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизда бошланган бу эзгу ишлар кенг қулоч ёйишига ташаббус ва ғамхўрлик кўрсатдилар: "Сиҳат-саломат бўлишнинг анъанавий қадрини қайта тиклаш ва оила қадри билан шарафли бир ўринга қўйиш керак. Бизнинг заминимиз баҳодирлар ва ҳимоячиларимиз бўлган полвонлар ва ботирларга азалдан бой ва уларни меҳр билан парвариш қилиб келмоқда. Бугунги кунда ҳамма жойда спортнинг миллий турлари қайта тикланмоқда". Халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил қилинган "Алпомиш ўйинлари" ва "Тўмарис ўйинлари" республика мусобақаларида ҳам тарғиб этилди. Ниҳоят, 2005 йилда Жиззах шаҳрида ўқувчилар ўртасида халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари фестивали ўтказилди.

Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони луғотит турк", Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома", "Алпомиш" қаҳрамонлик достони каби нодир қўлёзмаларимизда кўплаб халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари тўғрисида маълумотлар берилган. Дарҳақиқат, ўзбек халқи азалдан тарбиянинг асосий воситаси бўлган болалар ўйинларига жуда катта эътибор берган. Шу боис, юртимизда кўплаб аллома ва қаҳрамонлар вояга етган.

Бола бошидан, деб бежизга айтилмаган. Эътиборингизни Амир Темур бобомизнинг таржимаи ҳолига оид қуйидаги манбага қаратамиз: "Кўчада мен болалар билан ўйнардим. Болалар билан уруш-уруш ўйнаб, ўзимни амир этиб тайинлардим-да, ўйинни бошқарардим ва болаларнинг бир гуруҳини иккинчи гуруҳи билан уриштиришни машқ қилардим".

Соҳибқирон бобомиз буюк саркарда ва давлат арбоби бўлиб танилди, болаликда бирга ўйнаган дўстлари унинг ишонган лашкарбошилари ва амирлари даражасига эришди.

Ибн Сино болалигида укасининг хоҳишига кўра бир муддат ёйандозлик билан шуғулланган ва ўқни нишонга аниқ теккизиши билан тенгдошларини лол қолдирган. Кейинчалик Абу Али ибн Сино ҳар қандай дардга аниқ ташхис қўйиши ва муолажа қилиши билан эътирофга сазовор бўлди. Буюк математик ва астроном Абу Райҳон Беруний эса болалигида қумга, тупроққа осмон жисмлари жойлашишини чизишни хуш кўрган.

Чиндан ҳам болалар ўйинларида минг бир ҳикмат бор, десак сира муболаға қилмаган бўламиз. Оддий бекинмачоқ ўйинини олайлик. Болани саналга ўргатади, кўриш қобилиятини яхшилайди, тезроқ чамалашга, фикрлашга, ҳаракатланишга ундайди. Ёки арқон билан сакраш боланинг мувозанат сақлашини, қоматини тик тутишини, бутун тана аъзоларининг мутаносиб ҳаракатланишини таъминлайди.

Ўтган асрда болаларнинг "р" ҳарфини тўғри талаффуз қилиши бўйича бир қанча илмий тавсиялар ишлаб чиқилди, китоблар ёзилди. Тўғри, бу илмий тавсия ва китоблар керак. Табиийки, болалар олдинги асрларда ҳам туғилган ва уларда "р" ҳарфи талаффузи бўйича муаммолар бўлган. Халқимиз бу муаммони "Оқ теракми кўк терак", "Зув-зув" каби ўйинлар орқали бартараф этган. Чопиш ва "Оқ теракми кўк терак, биздан сизга ким керак?" деб қаттиқ айтиш, "с", "р" ҳарфларининг такрорланишига эътибор беринг ёки "зув-зув"лаб югуриш. Бундан кейин нафақат "р" ҳарфи аниқ талаффуз қилинган, балки дудуқлар равон гапира бошлаган. Хуллас, болалар ўйинлари - ҳикматлар хазинаси.

Албатта, асрлар ўтгани сайин халқ ўйинлари такомиллашган, янгилари пайдо бўлган. Чўпонлар таёқлари билан ўйнаган подачи ўйинидан отда ўйналадиган чавгон, кейин хоккей каби ўйинлар юзага келган. Бир таёқ ўйинини кузатган киши унда теннис, волейбол каби спорт турларининг қоидаларини илғаши қийин эмас. Отиб қочар ўйинида бейсбол спорт турининг, ўрда ўйинида нарданинг дастлабки қоидалари бўлган.

Миллий курашимиз эса ўзлигини сақлаган ҳолда жаҳонга юз тутди. Фақат халқаро андозалар асосида ўйин қоидаларига, қатнашчилар кийимларига ўзгартиш киритилди, беллашув майдони белгиланди. Бугунги кунда жаҳон спорт ҳамжамиятида ўз ўрнига эга Кураш халқаро ассоциациясига 114 мамлакат аъзо. Демак, ўзбек кураши беш қитъадаги 114 мамлакатда жадал ривожланяпти. Халқимизнинг белбоғли кураш, турон миллий спорт турлари ҳам ўзбек кураши изидан бориб, халқаро майдон сари дадил одимламоқда.

Бебаҳо маънавий хазина, болаларимиз саломатлигининг гарови бўлган халқ ўйинларини ёзиб олиш ва уларни тарғиб этиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Ғани Жаҳонгиров, Ислом Қорабоев, Талғат Усмонхўжаев каби заҳматкаш олимларимиз қанчадан-қанча халқ ўйинларини тўплаб китоб ҳолида чоп эттиришди. Кураш, белбоғли кураш ва турон миллий спорт турларининг пайдо бўлиш тарихи, халқаро қоидалари жамланган тўпламлар нашр қилинди. Умумий ўрта таълим мактабларининг жисмоний тарбия дарсликларига бирмунча халқ ўйинлари киритилди. Мактабгача тарбия муассасаларига халқ ўйинларини жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Лекин минглаб халқ ўйинларимиз борлигини инобатга олсак, ҳали амалга оширишимиз лозим бўлган ишлар кўлами катта эканлиги яққол сезилади.

Ҳар сафар олимпиада, Осиё ўйинларида янги спорт турларининг кўргазмали чиқишлари намойиш қилинади. Улардан маъқул деб топилгани кейинги олимпиада, Осиё ўйинлари дастурига киритилади. Ҳозирги кунда юртимизда спортни ривожлантиришнинг уч бўғини - "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" спорт мусобақаларининг республика финал босқичининг ташкил этилиши ҳеч бир нуфузли мусобақа тантаналаридан қолишмайди. Агар шу мусобақаларимизнинг республика финал босқичларида бир неча халқ ўйинлари кўргазмали чиқишлари ташкил қилинса, энг маъқул деб топилгани кейинги шундай мусобақаларга киритилса нур устига аъло нур бўларди.

Халқ ўйинлари- инсоният яратган энг сара меросдар қаторига киради. Чунки халқ уларни жондек азиз бўлган фарзандларининг саломатлигини мустаҳкамлаш учун яратган, авайлаб-асраган, келгуси авлодларга мерос қилиб қолдирган.

Биз ота-боболаримизнинг шу меросидан фарзандларимиз тўлиқ баҳраманд бўлишлари учун етарли шарт-шароит яратишимиз зарур. Бу болалар саломатлигини мустаҳкамлашда, баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда ҳар бир халқнинг ўз ҳаёт фалсафаси бор. Бизнинг юртимизда халқ ўйинлари машҳур полвонларни, жасур Ватан ҳимоячиларини, буюк алломаларни тарбиялаб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки болалар жисмоний ва ақлий салоҳиятини ўстиришга кўмаклашадиган халқ ўйинлари ўрнини бошқа бирор замонавий восита билан алмаштириб бўлмайди. Шу боис "Оқ теракми кўк терак, биздан сизга ким керак?" саволига ҳамиша "Бизга болаларимиз саломатлигини мустаҳкамлайдиган, уларни етук инсонлар қилиб тарбиялайдиган халқ ўйинлари керак", дея жавоб берамиз.

ЯНГИЛИКЛАР

«Ажойиб мусобақа» — янги асар

Мухтасархон Каримова

БУХОРО. Вилоят қўғирчоқ театрида Лола Сувонқулованинг "Ажойиб мусобақа" номли асари саҳнага қўйилди. Бош ролларни театрнинг истеъдодли артистларидан Беҳзод Камолов, Шерзод Ҳасанов, Малоҳат Бобокалонова маҳорат билан ижро этмоқда. Яқинда томошабинлар ҳукмига ҳавола этилган спектакль шаҳардаги умумтаълим мактаби ўқувчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

"Гамлет" яна саҳнада

Садриддин Айний номли мусиқали драма ва комедия театрида Уильям Шекспирнинг "Гамлет" асари катта маҳорат ва масъулият билан саҳналаштирилмоқда. Убайдулло Бақоев томонидан саҳнага қўйилаётган бу асарда асосий ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шамсиддин Йўллиев, актёрлардан Туроб Жумаев, Раҳимжон Эргашев, Рўзигул Қандова ижро этмоқда. Асар тез кунларда томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади.

БОЛАЛАР СПОРТИ

Оммавий югуриш мусобақаси

Қарши шаҳрида оммавий югуриш бўйича ўтказилган мусобақада мингга яқин ўқувчи-ёшлар ҳамда жисмоний тарбия ўқитувчилари иштирок этишди.

Беш километр масофага югуришда Қарши шаҳридаги 6-мактаб ўқитувчилари барчани ортда қолдирди. Ўғил болалар орасида Жасур Очилов, қизлардан Сетора Назарова финиш чизиғига биринчи бўлиб етиб келган бўлса, Қарши шаҳридаги 4-мактаб ўқитувчиси Зулфия Насванова мураббийлар ўртасида биринчиликни қўлга киритди. Ушбу мусобақани ташкил этишдан асосий мақсад ўқувчи-ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни спортга янада кенг жалб қилишдан иборат.

Мусобақа якунида ғолиблар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиалининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

ФУТБОЛ

Мавсумга тайёргарлик авжида

Янги мавсумга Туркияда тайёргарлик кўраётган Ғузорнинг "Шўртан" жамоаси ўқув машғулотлар йиғини давомида иккинчи ўртоқлик учрашувини ўтказди. Усмон Тошев мураббийлиги остида ғузорликлар Руминия чемпионатида иштирок этаётган "Глория Бистрица" жамоаси билан куч синашиб, 3:2 ҳисобида ғалаба қозонишди. Эслатиб ўтамиз, "Шўртан"нинг биринчи учрашуви Руминиянинг яна бир клуби "Унийера Алба" билан кечган учрашувда ҳисоб очилмаган эди.

ЎФФ кубоги-2009

Ўзбекистон Футбол федерациясининг сунъий қопламали майдонида "ЎФФ кубоги-2009" мусобақасининг финал учрашуви бўлиб ўтди. Ҳал қилувчи беллашувда пойтахтнинг "Бунёдкор" ҳамда Тошкент вилоятининг "Олмалиқ" жамоалари майдонга тушдилар. Шуни таъкидлаш керакки, "Бунёдкор" клубининг асосий таркиби ҳозирда Туркияда ўқув машғулотлари йиғинини ўтказаётгани сабабли баҳсларда ёш "Бунёдкор"чилар иштирок этдилар. Ўйин тенг курашлар остида кечган бўлса-да, тажриба ўз сўзини айтди. Учрашув 3:1 ҳисобида олмалиқликлар фойдасига ҳал бўлди. Игорь Шквирин шогирдлари кубокни ўз уйларига олиб кетдилар. Ёдингизда бўлса, 2008 йилда ўтказилган мусобақаларда Ғузорнинг "Шўртан" жамоаси ғолиб бўлган эди.

Одилжон КАРИМОВ

ЎГИТ

Ким писиб келса, иши туҳмат бўлур,
Ким дадил келса, иши журъат бўлур.

* * *

Сўз агар бир эрса, маъно мингтадир.

БИЛАСИЗМИ?

Инсон мияси совутгич лампасига қараганда анча кам қувват сарфлайди. Бош мия тўқималари асосан электр сигналлар ёрдамида ўзаро хабар алмашади. Мазкур жараён чоғида мия борйўғи 12 ватт қувват сарфлайди, холос.

* * *

Жисмоний машқлар инсон миясини янада тиниқлаштиради. Доимий равишда спорт билан шуғулланиш эса қон томирчаларини кенгайтириб, мияга кислород ва глюкоза моддасининг етиб боришини янада осонлаштиради. Натижада, мия фаолияти яхшиланиб, чарчоқ нималигини унутади.

ТУРФА ОЛАМ

Янги муз даври бўлмайди!

Даниялик олим Питер Дитлевсен шу кунга қадар янги муз даврига оид билдирилган барча башорат ва тахминларнинг асоссиз эканини таъкидламоқда.



Олимнинг айтишича, бундай хулосага келишнинг ўзи бўлмаган. У узоқ изланишлар ва аниқ ҳисоб-китобларга таянган ҳолда шундай фикрга келган эмиш. Бироқ, ҳозирги кунгача мутахассислар глобал иқлим ўзгаришларига асосий сабаб қилиб, Ер орбитаси ва унинг ўқида юз бераётган ғалати ҳодисаларни рўкач қилишаётгани сир эмас. Энг даҳшатлиси, ана шу ўзгаришлар туфайли қуёш нурларига етарли даражада тўйинмаган Ер аста-секин муз билан қопланиши башорат қилинган эди. Қолаверса, илм-фан вакиллари орасида бу каби иқлимий ўзгаришлар тадрижий характерга эгалиги ва 41 ёки 100 йилда бир такрорланади, деган қатъий ишонч бор. Дитлевсеннинг фикрига кўра, қуёш нурларининг кучли тебраниши иқлим ўзгаришларини келтириб чиқаётган экан. Бироқ, бу борада соҳа мутахассисларининг фикри бироз бошқачароқ. Улар тадқиқотчи илгари сураётган тизим ҳар жиҳатдан мукаммал ва турғун эмаслигини таъкидлашмоқда. Негаки, Ер ва унинг атрофида юз бераётган ўзгаришларни тўхтатиб бўлмайди. Шу боис, янги муз даври қачон бошланиши ёки умуман бўлмаслиги ҳеч кимга аён эмас.

Сув остида ҳаёт борми?

Мутлақо номаълум ҳаёт белгилари сув остидан топилди. Швед олимлари томонидан топилган тошқотган жисмлар ана шундан далолат беради.



Олимлар Гавай ороллари атрофидаги тоғли ҳудудларда тадқиқот ўтказишган. Тажриба учун сув остидан (954 метр чуқурлик) вулқонлар натижасида ҳосил бўлган базальт тошлари олиб чиқилган. Текширувлар чоғида ана шу тошлар ипсимон тузилишга эгалиги маълум бўлади. Шундан сўнг, тошлар спектроскопик усулда текширувдан ўтказилади. Натижада, ушбу тошқотган жисмлар таркибида 10-50 фоизга яқин углерод борлиги аниқланган. Энг қизиғи, ушбу углерод карбонат ёки ноорганик кўмир кислотаси қолдиғидан ҳосил бўлмаган эмиш. Олимларнинг фикрича, ғайриоддий тузилишга эга углерод келиб чиқишига кўра органик модда экан. Шунингдек, тошқотган жисмлар орасидан топилган этилен, фосфат ва молекулалар юқоридаги фикрни яна бир карра исботлаб берган. Тадқиқотчиларнинг ҳисоблашича, денгизнинг энг чуқур тубликларида ҳаёт ҳамиша бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Демак, олимларнинг олдига қўйилаётган ягона талаб - сув ости тадқиқотларини тез-тез ўтказиб туриш. Қолаверса, юқоридаги топилмалар шунга ишорат эмасми?

Жордано Бруно кратерининг тарихи

Маълумки, Ой - Ернинг ягона ва чин йўлдоши ҳисобланади. Нега деганда, Ой ўз ўқи ва Ер атрофида бир хилда айланади. Шу боис, у Ерга бир томонлама кўринади, холос.

Унинг экватордаги ҳарорати бир сутка ичида Цельсий бўйича +120 дан +1600 даражагача ўзгариб туради. Қолаверса, Ойда атмосфера бўлмайди. "Ер ва Коинот" нашрининг ёзишича, олимлар сўнгги 300 йил давомида Ой устида жуда кўп тадқиқотлар ўтказишган. Масалан, 1178 йилнинг 18 июлида инглиз манбашуноси Герваси Кентерберий Ойга тааллуқли қизиқарли маълумотларни қолдирган. Жумладан, у беш киши гувоҳ бўлган қуйидаги воқеани сўзлаб беради. "...Янги чиққан Ойнинг юқорига қараган учи иккига бўлиниб кетганини кўрдик. Шу пайт Ойнинг орқа томонидан ғалати бир аланга пайдо бўлди ва ҳар ёққа оловли учқунлар отила бошланди". Д.Хартунг ва Ж.О'Кифнинг фикрича, ўшанда Ойнинг кўринмас томонига метеорит тушиши натижасида 20 километрли Жордано Бруно кратери ҳосил бўлган экан.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги Давлат тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўлими томонидан 14.04.2006 йилда рўйхатга олинган "ХАТТОТ-ART" хусусий корхонаси 10.02.2009 йилдан муассислар қарорига мувофиқ тугатилади. Даъвогарлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой ичида Белтепа 32-Б уй, 16-хонадон ёки 185-51-78 рақамли уяли телефонга мурожаат қилишлари мумкин.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-123, Адади — 5600

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ
офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи: Камолиддин ҲОТАМОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.30.

1 2 3 4 5 6 7